



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Конституция миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, шу кунга қадар эришган барча ютуқ ва марраларимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш

йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустақкам пойдевори ҳисобланади. Асосий Қонунимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини юксак қадрлаймиз.

Албатта, бу йилги байрам ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, мамлакатимиз ривожиди алоҳида маъно-мазмунга эга. Бу, аввало, шу йил 30 апрелда миллий тарихимизда биринчи марта умумхалқ

референдуми асосида Конституциямиз янги таҳрирда қабул қилингани билан боғлиқ, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, том маънода халқчил қомус бўлган Асосий қонунимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислохотларимиз ортага қайтмаслигининг мустақкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг беш устунни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди.

Давоми 2-саҳифада.

### ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ,  
ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА  
«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!

ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:  
«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ – 600 000 СЎМ; «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ – 400 000 СЎМ.  
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07



Раис ҳудуддаги масалалар билан ёлғиз ўзи шуғулланишга мажбур бўлиб қолди. Ходимларга айтсангиз, «юқоридан» топшириқ бўлганини айтади, бу ҳолатда уларни на мажбурлай оласиз, на назорат қиласиз.

## Ўзбекистон халқига байрам табриги



Давоми. Бошланishi 1-саҳифада.

Биз ўз олдимишга қўйган эзгу мақсадларга етишда Асосий қонунимизда муҳрланган барча қоида ва тамойилларни амалга оширишмоқдамиз. Жамиятимизда Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш, **давлат органлари фаолиятини янги конституциявий-ҳуқуқий шароитга мос ҳолда йўлга қўйишнинг аҳамиятини** чуқур англаган ҳолда, бу борада тизимли ишларни бошладик. Хусусан, Асосий қонунимиздан келиб чиқиб, амалдаги қонунларимизни янги конституциявий нормалар билан уйғунлаштириш юзасидан жадал ишлар олиб борилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, қисқа муддатда **30 дан зиёд** қонун ва қонуности ҳужжатлари янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилганини таъкидлаш лозим.

Конституция ва қонун устунлиги тамойили – бу барқарор тараққиётнинг асосий мезони. Сўнгги йилларда барча ислохотларимизни айна шу тамойил асосида амалга оширдик.

Юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми охириги 6 йилда **1,5 мартадан** ортиқ, тадбиркорлар сони **2 баробар** ва саноатдаги ўсиш **40 фоиздан** зиёд ошгани

буни яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, жорий йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар **134 триллион сўмни** ташкил этиб, **2016 йилга** нисбатан **5,6 баробар** кўпайди.

Кенг кўламли ва тизимли ислохотларимиз натижалари халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон **Коррупцияга муро-сасиз муносабат бўйича халқаро** индексда **32 поғонага, Матбуот эркинлиги** индексда **28 поғонага, Ҳуқуқ устуворлиги** индексда **13 поғонага** кўтарилди.

Азиз дўстлар!

Биз инсон кадр-қиммати ва манфаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислохотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттирамиз. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан **Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни** тўлиқ рўёбга чиқаришимиз ва **ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз** лозим.

Шу муносабат билан олди-мизда турган энг муҳим устувор вазифаларни қайд этмоқчиман.

**Биринчидан**, Конституция-мизда халқ давлат ҳокимияти-нинг бирдан-бир манбаидир, дейилган. Ана шу қоидадан келиб чиқиб, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштиро-

қини кенгайтиришга қаратилган ислохотларимиз изчил давом эттирилади.

**Иккинчидан**, Конституцияни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўғридан-тўғри ва бевосита қўллаш амалиётига ўтишимиз зарур. Шундагина халқимиз Асосий қонунимизнинг ҳаётбахш кучи ва таъсирини теран ҳис этади.

Бу борада барча давлат идоралари, жумладан, судлар фаолиятида конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллашни жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилади.

**Учинчидан**, суд-ҳуқуқ ислохотлари янги конституциявий маконга уйғунлаштирилади. Бу жараёнда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади.

**Тўртинчидан**, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносибликни таъминлаш бўйича конституциявий принципни рўёбга чиқариш мақсадида қонун ҳужжатларидаги **150 дан** ортиқ ана шундай чоралар тўлиқ қайта кўриб чиқилади. Жумладан, айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва жазо турларини ўзгартириш, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий жавобгарликни бекор қилиш борасида ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилади.

**Бешинчидан**, Конституция-мизда қатъий белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши курашиш, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

Ушбу йўналишда асосий эътиборимиз бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этишга, шунингдек, **Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Болалар омбудс-мани** ва бошқа инсон ҳуқуқлари

бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилади.

**Олтинчидан**, барча ислохотларимизда инсон ва унинг манфаатлари марказий ўринда туриши ва халқимиз фаровонлиги ҳамда қулай ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат органлари учун бош мақсад бўлиши лозим. Сўнгги йилларда шу мақсадда **300 га** яқин давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилди ва аҳолига **50 миллиондан** ортиқ хизматлар кўрсатилди.

Шу боис, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда мавжуд бюрократик тўсиқларни кескин қисқартириш ҳамда ушбу жараёнлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича ишларни изчил давом эттиришимиз керак.

**Еттинчидан**, биз «**Янги Ўзбекистон – маърифий жамият**» концепцияси асосида конституциявий таълим масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Парламент томонидан **Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича Миллий фаолият** дастури қабул қилинди. Асосий қонунимизни ўрганишни болалар боғчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчилари ушбу жараёнга тўлиқ жалб этилиши лозим. Шунинг учун **давлат хизматида ишга киришда Конституция асослари бўйича имтиҳонлар ўтказиш тизимини** амалда татбиқ этишимиз зарур.

**Саккизинчидан**, Конституция ва қонун устунлигини таъминлашда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берамиз. Хусусан, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони қарийб **40 фоизга** ошди ва уларни қўллаб-қувватлашга **700**

**миллиард сўмдан** ортиқ маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг муҳим шартли бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз лозим ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ амалий чораларни кўришда давом этамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Дунёнинг турли минтақаларида **зиддият ва қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар** тобора авж олиб бормоқда. Олди-мизда янги-янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали вазиятда барчамиз янада бирлашишимиз керак. Танлаган йўлимиздан қатъий олға боришимиз зарурлигини асрлар давомида кўплаб оғир синов ва машаққатлардан муносиб ўтган мард ва донишманд халқимиз албатта яхши тушунади.

Аминманки, Ўзбекистон Республикасининг **янгиланган Конституцияси биз учун бу йўлда улкан ишонч, куч-ғайрат ва илҳом манбаи** бўлиб хизмат қилади.

Биз Асосий қонунимизга таянган ҳолда, мана шундай ноёб Конституцияимизнинг **асосий ижодкори бўлган кўпмиллатли, бағрикенг ва олижаноб халқимиз** билан бирга улкан мақсадларимизга албатта етамиз!

**Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо этамиз!**

Сиз, азиз ватандошларимни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, ҳаммангизга сизга-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотир-жамлик, файзу барака тилайман. Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

### МАЪЛУМОТ

## Кузги мавсумда қанча дарахт экилди?



**2023 йил 11 октябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини 25 октябрдан 1 декабргача ўтказиш белгилаб берилганди.**

Об-ҳавонинг илиқ келиши туфайли бугунги кунда жойларда ҳамон кўчат ўтказиш амаллари давом этмоқда. Эътиборлиси, бу йилги жараёнлар ҳар қачонгиданда кўтаринки руҳда, фуқароларнинг фаол иштирокида бўлиб ўтгани. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги қошида ташкил этилган штабдан олинган маълумотларга қараганда, шу кунгача республикамиз бўйича рекорд даражада жами 88 миллион туп манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ўтказилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ўтган йилги кузги мавсумда жами 76,4 миллион туп кўчат ва қаламчалар экилиши таъминланган.

2021 йил 2 февраль куни Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши-

да «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион тупдан, жами 1 миллиард туп кўчат экиш, йирик шаҳарлардаги яшил майдонлар ҳажмини 30 фоизга етказиш белги-ланган.

«Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да «Яшил макон» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳар йили камида 200 миллион тупдан дарахт кўчатларини ўтказиш вазифаси кўрсатиб ўтилган. Республика, вилоят, туман ва шаҳар штабларида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъуллари кўчатларнинг сарҳисоби, парвариши, касалликларга қарши курашни ташкил этиш ва ниҳолларнинг худудлар иқлим, тупроқ шароитига мослигини доимий мониторинг қилиб боришни тизимли йўлга қўйган.



ТАЖРИБА

## «Боғибаланд» – Ўзбекистондаги биринчи туризм маҳалласи

Жорий йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонда биринчи марта «Боғибаланд» маҳалласига Туризм қўмитаси томонидан «Туризм маҳалласи» мақоми берилиб, махсус сертификат топширилганди. Бундан уч йил олдин, 2020 йил мамлакатимиздаги илк туризм қишлоғи Самарқанд шаҳридаги Кониғил қишлоғида очилган бўлса, илк туристик маҳалла «Боғибаланд»да ташкил этилди. Сабаби, бундай этнографик, вилоятнинг ўзига хослигини кўрсатиб берувчи худудларга нафақат хорижий, балки маҳаллий сайёҳларда ҳам қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётганини вилоятга ташриф буюраётган меҳмонлар оқимидан билиш мумкин.

«Боғибаланд» – Самарқанд шаҳрининг чекка худудида, Чўпонота тепаликлари этагида жойлашган худуд. Бу ерда соҳибқирон Амир Темури ўз даврида боғлар барпо этган ва шундан Боғибаланд номи олган. Хусусан, Боғибаланд анжирзорлари азалдан тилга тушган ва бундай мева бошқа жойларда етиштирилмаган. Ҳозирда маҳаллада 40 гектар анжир боғлари сақланиб қолган бўлиб, уларнинг тарихи бир неча юз йилларга бориб тақалади.

Анжирнинг шифобахшлиги туфайли бўлса керак, бу худудда камқонлик, бўқоқ касалликлари деярли учрамайди. Ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб ҳамда худудда туризмни ривожлантириш мақсадида «Боғибаланд» туризм маҳалласига айланти-

рилди. Ушбу лойиҳа доирасида маҳаллада учта оилавий уй меҳмонхона, битта ҳунармандчилик устахонаси, битта сувенир дўкони, учта миллий овқатланиш нуқтаси, учта новвойхона, 12 та дам олиш маскани ва 2 та томорқа хўжалиги ташкил этилган.

Маҳаллада велосипед, электромобил, велосипед, отда сайр қилиш учун шароит мавжуд. Меҳмонларнинг қулай ҳаракатланиши учун йўл кўрсаткичлар, стелла ва боғ харитаси ўрнатилди. Барча учун қулай жойда туризм ахборот маркази фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, анжир дарахтларини экиш, етиштириш, ҳосилни йиғиш жараёни билан сайёҳларни таништириш ва ушбу жараёнларда уларнинг иштирок этишлари ва дегустацияни ташкил этишга шароит яратилди.



Мазкур туризм маҳалласини ташкил этиш орқали Самарқанд вилоятининг экологик муҳити янада яхшиланади. Худуддаги дам олиш масканлари, саноат туризми, агротуризм, этнотуризм, зиёрат, тиббиёт ва археологик туризм объектлари сайёҳларнинг сеvimли манзилига айланмоқда. Энг муҳими, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Бундан ташқари, худудда «Қизлартепа» деган тарихий жой бор. Ҳозирда бу ерда Ўзбекистонлик ва Кореялик археологлар томонидан қазилма ишлари олиб борилмоқда. Эски девор қолдиқлари топилган. Шунингдек, тарихий Хўжайсоқий валий масжиди бор.

Маҳаллада сайёҳлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида инфратузилма ишлари яхшиланмоқда. Жумладан, 1,5 километр йўл, шунинг 300 метри тадбиркор томонидан асфальтланди. Аҳоли кўмаги билан 1 200 метрга ер ости қувурлари ётқизилди. 350

метр газ қувури таъмирланиб, 22 та эски симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. 1 600 метр ичимлик сув қувурларини тортиш ишлари якунланмоқда.

Тадбиркорлик соҳаси ривожланмоқда. Аҳоли асосан, хизмат кўрсатиш, тикувчилик, уй боғчаси, новвойчилик йўналишларида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқда. Ҳоким ёрамчиси Акмал Исмоилов кўмаги билан маҳаллада ош тузи қадоқлаш ва қурилиш моллари корхонаси, хусусий уй боғчалари, уй меҳмонхоналари, ўқув маркази ташкил этилди. Яқинда 200 ўринли 3 қаватли яна битта хусусий боғча ўз фаолиятини бошлади. Ёшлар

етақчиси Дониёр Саидмуродов тавсияси билан «оғир» тоифадаги 43 нафар ёшга субсидия асосида турли асбоб-ускуналар, пишириқ печлари берилди. 327 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Келгуси йил маҳаллага 1 100 метр оқова сув ва 1 100 метр электр сим тортиш, 16 та бетон устун, 1 та трансформатор ўрнатилиши дастурга киритилган. Шунингдек, сайёҳлар учун қулай шароитга эга бўлган маҳалла маркази қуриш ва бир километр йўлни асфальтлаш зарур.

**Муродилло НУРИДДИНОВ,**  
Самарқанд шаҳридаги  
«Боғибаланд» маҳалласи раиси.



ЯНГИЛИК

## «Хотиржам ишлаш учун энди ўз биномиз бор»

Маҳалла аҳолиси 2 078 нафар бўлиб, хонадонлар сони 590 та. Фуқароларнинг 955 нафари турли корхона ва ташкилотларда, 45 нафари тадбиркорлик субъектларида, 67 нафари ўзини ўзи банд қилган. Маҳалла «драйвери» – хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб, 31 та тадбиркор бор. Худудда 16 та савдо дўкони фаолият юритмоқда.

Шаҳарда катта бунёдкорлик ишлари кетяпти. «Бўстон» маҳалласининг ўзида 9 та кўп қаватли турар жойлар қурилди. Кувонарлиси, узок йиллар мактабда, бировларнинг ҳовлисида, сектор биноларида ишлаб келган маҳалла ходимлари учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энди «маҳалла бешлиги» зарур шароитларга эга, кўнгил хотиржамликда меҳнат қилмоқда.

«Обод маҳалла» мезонлари асосида йиғининг 3 500 метр ички кўчалари таъмирланиб, асфальтланди. 700 метр ичимлик сув қувурлари янгиланди. 38 та

эски симёғочлар бетон устунларга алмаштирилиб, 38 та тунги ёриткич чироқлари ўрнатилди. 384 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. 50 ўринли хусусий боғча фойдаланишга топширилди.

Маҳалла ёшларини спортга кенг жалб этиш мақсадида футбол, бокс, волейбол, кураш теннис ва шахмат мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Натижалар яхши. Маҳалланинг волейболчи қизлари «Беш ташаббус олимпиадасининг республика босқичида» ғолиб бўлиб, ташкилотчилар томонидан йиғинга спорт комплекси қуриб бериладиган



бўлди. Спортчи йигитлар кураш бўйича жаҳон чемпионатида йўланма олди.

Фуқаролар имтиёзли кредитлар асосида тикув машина, меҳнат қуроллари олиб, қўшимча даромад топяпти. Сартарошхона, гўзаллик салони ташкил этганлар бор. Келгусида тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириб, ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

**Муқаддас ҲОЖИМУРОВОВА,**  
Оҳангарон шаҳридаги  
«Бўстон» маҳалласи раиси.





БУНЁДКОРЛИК

# «ОБОД ХОНАДОН», «ОБОД

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва тавсияси асосида бир неча ой аввал жойларда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини жорий этишга киришилганди. Президент Администрацияси, Халқ қабулхоналари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар вакилларида тузилган Республика ишчи гуруҳи жойларда олиб борган ўрганишлари асосида энг чекка, ижтимоий аҳволи оғир маҳаллалар танлаб олинганди.

## «Ҳар бир гузар ғоят гўзал»



«Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида Бухоро туманининг «Соҳибкор» маҳалласида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 1 675 нафар аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуднинг асосий «драйвери» — боғдорчилик. Шунга кўра, деярли барча хонадонлар томорқасида боғ-роғлар мавжуд, кўпчилик мазкур соҳада кўшимча даромад кўради.

Ўтган қисқа вақт мобайнида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ва аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш мақсадида ҳудудда ички йўлларнинг 1 километр қисми асфальт қилинди, 5 километр йўл шағаллаштирилди, 4,3 километр йўлга бетон ётқизиблиб, пидедалар йўлаги барпо этилди. Ичимлик сув таъминотини яхшилашда 8,8 километр узунликдаги янги сув тармоғи тортилди. Иккита янги трансформатор, 50 та темир-бетон устунлар, 104 дона кўча чироқлари ўрнатилди. Шунингдек, ҳудуддаги «Мумтоз» маданият маркази биноси қайта таъмирланиб, жиҳозланди. Аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришига шароит яратилди.

Куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида маҳалладаги 331 та хонадон учун 70 тонна кўмир етказиб

берилди ва 1 052 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Фуқароларга 200 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, 12 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 2 нафарига тикув машинаси, яна икки нафарига ногиронлик аравачаси тақдим этилди. 24 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган бўлса, 18 нафарига деҳқончилик учун 10 сотихдан ер майдони ажратиб берилди.

Умуман олганда, ҳудудда йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий муаммоларга бирма-бир ечим топилапти. Инфратузилма яхшиланиб, маҳалладаги ҳар бир гузар, кўча, хонадонлар олди миллий қадриятларимизга мос равишда тартибга келтирилди. Аҳоли билан ҳамжиҳатликда «Ташаббусли бюджет» жараёнларида фаол иштирок этиб, ютиб олинган маблағ эвазига маҳалла ҳудудидаги ички йўлнинг 1 километр 200 метр қисмига асфальт қопламаси ётқизилди.

Таклифлар масаласига келсак, «маҳалла еттилиги» тизими, эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритишдан тортиб, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар туман ва вилоят идораларига чиқмай, маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилиниши йўлга қўйилаётгани ишимизни янада самарали қилади. Айниқса, Бандлик, Тадбиркорлик ва Касаначилик жамғармалари маблағлари ҳар бир маҳаллага тақсимлаб берилиши қатор оворагарчиликларнинг олдини олади. Очиғи, бирорта ишсиз фуқарони ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилсак, туман бандлик бўлимини огоҳлантириш, улар орқали ҳақ тўлашни амалга оширишга тўғри келарди. Эндиликда одамларни ишга жалб этиш, уларга ҳақ тўлаш, ишини назорат қилишни маҳалла ходимлари ҳамжиҳатликда бажаради. Бу — аҳолининг маҳаллага бўлган ишончини ошириб, ишсизликни маҳалладан чиқмаган ҳолда ҳал этишга имкон беради.

Шукрулло АКРОМОВ,  
Бухоро туманидаги «Соҳибкор»  
маҳалласи раиси.

## «Бу кунларни бир умр орзу қилиб яшардик»

«Дуоба» — осмонўпар тоғлар бағридаги сўлим гўша. Бойсун тумани марказидан 35 километр олисда, денгиз сатҳидан икки минг метр баландликда жойлашган. Маҳалладаги 553 та оилада 2 500 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Асрлар давомида зарур инфратузилмага эга бўлмаган тоғли қишлоқ одамлари йўлларнинг тор ва нотекислиги, баҳор фаслида сойларда сел келиши, таълим, тиббиёт каби ижтимоий соҳа муассасаларидаги ҳаминқадар шароитлардан, электр энергияси ва суўлтирилган газ таъминотидаги узилишлардан, қиш фаслида йўллар қор билан қопланиб, транспорт ҳаракати чекланишидан азият чекиб, яшаётган эди. Президент ташаббуси тоғли ва чекка қишлоқ одамлари ҳаётига янгича мазмун олиб кирди.

Маҳаллада жорий йил сентябрь ойидан «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини жорий этишга киришилди. Дастлаб ҳудудга олиб борувчи 32 километр тоғ йўлини таъмирлаш бошланди. Бунинг учун йўллар текисланиб, тош-шағал қоришмаси ётқизилди. Йўлларнинг сел зарар келтирган жойлари ва қирғоқлари мустақамланиб, қувурлар ўрнатилди. Шу пайтгача фақат «УАЗ» ёки йўлтанламас автомашиналар ҳаракатланган йўлда энди бошқа энгил автомашиналарнинг қатнаши учун катта имконият яратилди. 7 километр ички йўлларга тош-шағал ётқизиблиб, таъмирланди.

Бундан ташқари, Пастки Дуоба қишлоғидаги 58-умумтаълим мактаби учун 80 ўринли кўшимча бино барпо этилди. Шу билан бирга, 17-умумтаълим мактаби учун 180 ўринли янги бино қуриляпти. Қарийб 42 йил аввал бунёд этилиб, ўта таъмирталаб ҳолга келиб қолган «Қўрғонча» ҳудудий бўлимининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш филиали ўрнида кунига 50 қатнов ва 25 стационар ўринга эга қишлоқ шифохонаси барпо этилмоқда. Худди шундай, қурилганига 40 йил бўлган фуқаролар йиғинининг эски биноси муқаммал таъмирланиб, замонавий қиёфада бўй кўрсатди. Худуддаги бешта қишлоқ учун суўлтирилган газ баллонларини йиғиш ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчаси қад ростлади. Гуматак қишлоғидаги 53-умумтаълим мактаби ҳудудига «Workout» ўрнатилди. Электр симёғочлари янги сизга алмаштирилиб, трансформаторлар янгиланмоқда.

Қолаверса, аҳоли хонадонлари тартибга келтирилиб, йўл ёқасидаги хонадон деворларини оқлаш, фасад қисми ҳамда ҳовлиларнинг сим тўрларини янгилаш ишлари амалга оширилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва хонадонлари таъмирталаб 15 та хўжаликка қурилиш материаллари етказиб берилиб, уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашилди. Маҳалла ҳудудидаги «Дуоба» қабристонни ободонлаштирилди.

Очиғи, ҳудудда юз бераётган бундай янгиликларни одамларимиз, кексаларимиз бир умр орзу қилишган.



Боиси яқин йилларда туман марказига бормоқчи бўлсак, йўллар носозлиги учун от-уловдан фойдаланишга мажбур бўлар эдик. Қишнинг қорли кунлари ва баҳорги сел тошқинлари бизга жиддий қийинчилик туғдирар эди. Мана, эндиликда бу қийинчиликлар ортда қолдиган бўлди. Нафақат йўл, балки ички кўчалар ҳам тубдан таъмирланяпти.

Одамлар бу каби ўзгаришлардан мамнун. Зеро, йиллар давомида улар тоғлар орасидаги олис қишлоқларга тараққиёт шамоли кириб келишини кутарди. Бугунги ўзгаришлар бунга замин ҳозирлаётир. Ўз навбатида фуқароларда дахлдорлик туйғуси кучайиб, ўз кўчаси, ҳовлисини озода тутишга интиляпти, бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшяпти.

Ҳикматилла МАҲМУДОВ,  
Бойсун туманидаги  
«Дуоба» маҳалласи раиси.



# КўЧА», «ОБОД МАҲАЛЛА»

Белгиланган вазифалар ижроси учун республика, шунингдек, маҳаллий бюджет ҳамда ҳомий ташкилотлар ҳисобидан етарли даражада маблағ ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллиги байрами арафасида қатор маҳаллаларда бошланган кенг кўламдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Жойларда янгиланган маҳаллаларнинг ўзига хос очилиш маросимлари уюштирилди.

## «Йиғилиб қолган муаммолар биздан йироқлашяпти»

Бунёдкорлик ишлари доирасида Навбаҳор туманидаги «Қоровултепа» маҳалласи чирой очиб, йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий масалалар, инфратузилма муаммолари ҳал этилди. Энг асосийси, анча йилдан бери кутаётганимиз — маҳалла идораси янги бинога эга бўлди. Унда ходимлар учун барча керакли шароитлар яратилди.

Айтиш керакки, айна пайтда 692 та хонадон, 856 та оила, 3 186 нафар аҳоли истиқомат қилаётган манзил обод гўшага айланди. Ички йўлларнинг жами 3,5 километр қисми шағаллаштирилди, 4,2 километр йўлга асфальт ётқизилди, 2 800 метр квадрат пиёдалар йўлаги янгидан барпо этилди ҳамда 38 та йўл ҳаракати белгилари ўрнатилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 45 та темир-бетон таянч устунлар, 12 та трансформатор таъмирланди, 1,3 километр тармоқ тортилди.

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш шароитини яхшилаш мақ-



садида газ таъминоти бўйича аҳолига 38 та янги газ баллонлари етказиб берилди, 671 та аҳоли яшаш хонадонларидаги газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилди ҳамда табиий газ тармоғи

реконструкция қилинди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш бўйича 0,4 километр қувур ётқизилди ҳамда аҳоли хонадонларига сув тармоқлари улаб берилди. 33 та эҳтиёжманд оиланинг яшаш хо-

надонлари таъмирланди. Бундан ташқари, 152 нафар фуқаронинг бандлигига кўмаклашилди. Тиббиёт муассасаси томонидан 251 нафар беморга бепул дори-дармон тарқатилди.

Хали йиғинда қилиниши керак бўлган юмушлар бор. Хусусан, 5 километр масофада кўча ёритиш чироқлари ўрнатилади, яна шунча масофада пиёдалар йўлакчаси қурилади. Боғча ёшидаги болалар қамровини ошириш мақсадида 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти бунёд этилади. Муассасанинг лойиҳаси тасдиқдан ўтган, ер майдони ажратилган. Қисқа фурсатларда қурилиш ишлари бошланади.

Шу ўринда йиғин фаолиятига оид таклифимни билдириб ўтсам: ҳозирда шакллантирилаётган «еттилик» вакиллари маҳалланинг ўзидан тайинланса, яхши бўларди. Тўғри, бу ҳақда «Mahalla» газетаси орқали кўплаб раислар чиқиш қилди, фикр билдирди. Демак, вазият шунга тақозо этипти. Мисол учун, ҳозирда йиғинимиздаги «бешлик» вакиллари ва солиқчи бошқа ҳудуддан келиб ишлайди, фақат ўзим шу маҳаллада яшайман. Ижтимоий ходим ҳали тайинланмади. Нега бу фикрни кўп айтаямиз? Гап шундаки, маҳаллага бегона одам бу ерга келиб, аҳолини танигунча анча вақт ўтаяпти. Масалан, ҳоким ёрдамчиси имтиёзли кредит олиш учун тавсия берган одамни, унинг тўлов қобилиятини яхши билмайди. Оқибатда кредит ажратилгач, у вақтида қайтарилмайди, муаммоли вазиятларга яна маҳалла айбдор бўлиб қоляпти.

Таклифим: ҳар қайси маҳалла ходими ана шу ҳудуднинг ўзидан тайинланса. Ходим одамларни таниши, кимнинг ёрдамга муҳтож, яна кимнинг муғомбирлик қилаётганини билиб туриши керак. Шундагина ортиқча муаммолар кузатилмайди.

**Ойбек ҚУДРАТОВ,**  
Навбаҳор туманидаги  
«Қоровултепа» маҳалласи  
раиси.

## «Бундай ўзгаришларни тасаввур қилмагандик»



3 800 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган «Олти қаҳрамон» маҳалласида кейинги уч ойда кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратилди.

Маҳаллада аниқланган таъмирталаб 628 та хонадонда «Обод хонадон» ва 27 та ички кўчада «Обод кўча» мезонлари жорий этилди. Маҳалла аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб,

177 нафар фуқарога бепул дори-дармон ҳамда ногиронлиги бўлган 4 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси берилди. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган 19 нафар эҳтиёжманд фуқарога жами 234 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 144 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди.

Маҳалла инфратузилмани яхшилаш мақсадида ҳудудда 242 дона янги темир-бетон устун, 1 та янги трансформатор

ўрнатилди, 4 таси таъмирланди ва аҳолининг электр таъминотидаги муаммолар бартараф этилди. Ички кўчаларнинг 5,1 километрга асфальт ётқизилди, 8,1 километр қисми шағаллаштирилди, 1,4 километр узунликда пиёдалар йўлаги ташкил этилди. Кўчаларда 240 дона тунги ёритиш чироғи, 25 дона йўл ҳаракати белгиси ва панно ўрнатилди. 16 та ички кўчага 6,1 километр узунликда интернет тармоғи тортилди.

Очиғи, бундай обод маҳаллаларни шу пайтгача телевизорда кўриб ҳавас қилардик ва бизда шундай шароитлар қачон яратилар экан, деб ўйлардик. Президент ташаббуси билан, мана, маҳалламиз кўркам масканга айланди. Уч ой ичида шунча катта ишлар бажарилишини тасаввур қилмагандик. Вилоят ва туман ҳокимликлари, кўплаб ташкилотлар ёрдам берди, ҳашар уюштирди ва хонадонларимизгача обод бўлди. Энди бу ободликнинг қадрига етиб, ҳаётимизни ўзгартиришимиз, янги яшашимиз кераклигини ҳис қилиб турибмиз.

Маҳалладаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари давомида маҳалла маркази, аҳоли дам олиш маскани, биринчи сектор штаби биноси, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш маркази, тадбиркорлик объектлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуалари ташкил этилди.

**Ҳурмат БУХОРОВА,**  
Пастдарғом туманидаги  
«Олти қаҳрамон» маҳалласи раиси.



## ОБОДЛИК



## «Сувти»да янги бино ва сифатли тиббий хизмат

**Д**авлатимиз раҳбарининг тегишли топшириғига биноан, жойларда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини жорий этишга киришилган эди. Республика ишчи гуруҳи ўтказган ўрганишларда Тошкент вилоятининг 5 та туманидаги энг чекка, ижтимоий ҳолати «оғир» маҳаллалар танлаб олинди. Белгиланган вазифалар ижроси учун республика бюджетидан 4 миллиард сўм шунингдек, маҳаллий бюджет ҳамда ҳимий ташкилотлар ҳисобидан етарли даражада маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 31 йиллиги байрами арафасида Тошкент вилояти Пискент туманининг энг чекка ҳудуди – «Сувти» маҳалласида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

«Тўйга тўёна» билан, деганларидек, шу куни маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Идора олдига соябон ўрнатилди, бўш ер майдонига кўчатлар қадалди, дарахтлар остига

тўқсонбости экинлари экилди, ҳудуд ободонлаштирилди. Ло-йиҳа қиймати 500 миллион сўмдан ортиқни ташкил қилувчи иншоотда ходимлар учун барча шароитлар яратилган. Бу – ижтимоий дафтарларга киритилган фуқаролар билан ишлаш, идоралараро маълумот алмашишни осонлаштиради.

Яна бир қутилган янгилик – янгидан барпо қилинган «Сувти» қишлоқ врачлик пункти бўлди. Унда аҳолига тиббий хизматни яқинлаштириш, касалликлар

профилактикаси ва даволаш – бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган. Эътиборли жиҳати шундаки, бинонинг бир қисмида мўъжазгина кутубхона ташкил қилинган ва бадиий адабиётлар билан тўлдирилган.

Қайд этиш лозимки, маҳаллада «Обод хонадон» мезони остидаги тадбирлар доирасида ишчи гуруҳи 522 та хонадоннинг ҳар бирига кириб хатловдан ўтказди, оила хўжалиқларининг турмуш тарзи ўрганилди. Ана шу ҳужжат асосида эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди, моддий ёрдам кўрсатилди. Олиб борилган тарғибот ишлари натижасида маҳалладаги 250 дан зиёд оилаларнинг томорқасига тўқсонбости экинлари жойлаштирилди, томорқа маданияти юксалтирилди, ҳоким ёрдамчиси

тавсияси асосида иссиқхона қуриш учун имтиёзли кредитлар берилди.

Маҳаллада «Обод кўча» мезонларини жорий қилиш бўйича ўйдим-чуқур йўллар таъмирланди, ички кўчалар текисланди, тўташ майдонлар, бўш ерлар, хонадонлар олдига «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 10 минг тупдан зиёд кўчатлар экилди. Жами 5 та ички кўчанинг қарийб 2 километри шағаллаштирилди, 220 метри бетон қилинди, 3,3 километр пиёдалар йўлаги қурилди. Шунингдек, электр таъминоти сифатини яхшилаш мақсадида 4 километр ҳаво линияси янгиланди, 368 та эски симёғочлар темир бетон устунларига алмаштирилди. 700 метр ичимлик суви қувури тортилиб, сув иншооти ўрнатилди. Қисқа муддат ичида рўй берган ўзгаришлар

аҳолини мамнун қилди.

Маҳаллада ишсизликни қисқартириш мақсадида 44 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди, фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида 220 миллион сўм имиёзли кредит берилди. Бугун маҳалладаги ҳар бир гузар, кўча, хонадонлар олди миллий кадрларимизга мос тартибга келтирилди, ариқлардан зилол сувлар оқаяпти.

Умуман олганда, ҳудудда бажарилган бунёдкорлик ишлари давлатимизнинг аҳоли ижтимоий ҳимоясига қаратилган эътибори намунасиридир. Бундай хайрли тадбирлар ҳар бир маҳалла кесимида давом этиши кўзда тутилган бўлиб, асосий мақсад – халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган.

## НИГОХ

## «Марказлашган ичимлик сув зарур»

**М**аҳалла туман марказидан қарийб 60 километр олисда, тоғли ҳудудда жойлашган. Ўзига хос табиатига эга. Йиғинда 3 105 нафар турли миллат вакиллари аҳил-иноқликда яшаб келмоқда.

Маҳаллада иккита – Яккатут ва Хўжақўрғон кўчаси бор. Иккита мактабгача таълим муассасида 200 нафарга яқин бола тарбияланмоқда. Ўзбек ва рус тилига ихтисослашган иккита мактабда 550 нафар ўқувчи таълим олмақда. Маҳалла туман марказидан олисда бўлса-да, барча шароитларга эга «Яккатут» тиббиёт таянч пункти халқимизга зарур тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Туризм маҳалла «драйвери» ҳисобланади. Ҳозирда 100 га яқин меҳмон уйлари сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Хизмат кўрсатиш сифати ва яратилган шароитлар меҳмонлар томонидан ижобий баҳоланиб, ташриф буюрувчилар сони йилига 10 фоизга кўпаймоқда. Йиғин «туризм қишлоғи» тоифасига киритилиб, 2024 йил лойиҳаси асосида инфратузилма янада ривожланади, сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратилади.

Кўчаларнинг олдинги ҳолати жуда ачинарли эди. Жорий йил август ойида «Ташаббусли бюд-

жет» лойиҳасида ички йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаш бўйича 1 миллиард 320 миллион сўм маблағ ютди. Бугунги кунда асфальтлаш ишлари якунланмоқда.

Маҳаллада олдин тўй ва маъракалар, турли байрам тадбирлари ва адабий кечаларни ўтказишга шароит йўқ эди. Жорий йил тадбиркор Алижон Раимжонов барча қулайликларга эга «Валижон ота» тўйхонасини қуриб, фойдаланишга топширди. Халқимиз тадбиркордан мамнун. Энди барча тадбирлар шу ерда ўтказилапти.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун зарур шароит яратиш мақсадида Бўстонлиқ тумани ҳокими Жўрабек Аҳмедов ташаббуси ва кўмағида янги замонавий спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ёшлар спорт билан шуғулланиб, волейбол, баскетбол ва стол тенниси бўйича туман шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Тадбиркор, тил бўйича мутахассис Комила Комилжонова



қишлоқ ёшларини рус ва инглиз тилидан ўқитиш учун барча шароитларга эга ўқув маркази ташкил этди. Жорий йил Комила каби ёшларга субсидия асосида тикув машинаси ва оверлок, пишириқ ва хунармандчилик учун асбоб-ускуналар берилди. Улар



ўзини ўзи банд қилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Икки нафар ёшнинг сафарбарлик чақирuvi резерви хизмати харажатлари қопланди.

Туман маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига ўз ҳиссасини қўшиб, йил бўйи кўчат экиш ва парваришлаш ташаббусини давом эттирмоқда. Кўчат билан таъминлашда туман ҳокимлиги ва «Бурчмулла» давлат ўрмон хўжалиги кўмағида минглаб мевали, манзарали,

ёнғоқсимон ва бутасимон кўчатлар экилмоқда.

Келгусида режалар кўп. Маҳалла инфратузилмасини туризм лойиҳаси асосида ривожлантириб, аҳолини марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминлаш зарур. Хўжақўрғон кўчасини таъмирлаш ва асфальтлаш керак. Асаларичилик тармоғи кенгайтирилиб, аҳоли бандлиги таъминланади.

**Жўравой ОДИНАЕВ,**  
Бўстонлиқ туманидаги  
«Яккатут» маҳалласи раиси.



ТАНҚИД

## «Раислар адолатсиз тадбирга мажбурланяпти...(ми)?»

Гарчи моддий ёрдам ва болалар нафақаси инсон омилсиз тайинланиши белгиланган бўлса-да, фуқаролар ҳужжати маҳалла раиси иштирокида расмийлаштирилиб, ҳудуддаги пенсия жамғармасига топширилмоқда. Ҳужжат «Ижтимоий ҳимоя» ягона реестри орқали кўриб чиқилиб, нафақа тайинлангани ёки рад этилгани ҳақида SMS-хабарнома юборилади.



Аммо, ҳануз кўп фуқаролар маҳалла раиси ҳужжат қабул қилгани учун нафақа тайинланмаса айбдор билишмоқда. Аслида, нафақа олиш учун фуқаро тегишли ҳужжатни тўғридан-тўғри тақдим этиши керак эди. Шунда маҳалла раисларига нисбатан фуқароларнинг асоссиз эътирозининг олди олинган бўларди. Аммо...

Айни кунда пенсия жамғармасининг босими тўғрисида маҳалла раисларидан бир хил мазмундаги эътироз келиб тушмоқда. Уларнинг гарданига ваколатидан ташқари бўлган ичимлик сув, коммунал тўлов, солиқ қарздорлиги, ёшлар бандлик дастури ижроси каби топшириқлар юклангани етмагандек, энди инсон омилсиз болалар нафақаси тайинланган хона-

донлардаги шарт-шароитни ўрганиш ҳам кўшилибди. Айниқса, енгил автотранспорт воситаси ишлаб чиқарилганлигига 7 йилдан ошган бўлса-да, юк ташувчи транспорт воситасини ишлаб чиқарилганлигига 15 йилдан ошган бўлса-да, моддий ёрдам ва нафақага эҳтиёжи йўқлиги тўғрисида фуқаролардан ариза олиш вазифаси юклатилмоқда. Мисол учун, бир маҳаллада жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойида болалар нафақаси тайинланган 23 та хонадон бўлса, шундан маҳалла раисига 6 та, ҳоким ёрдамчисига 6 та, ёшлар етакчисига 5 та, хотин-қизлар фаолига 6 та хонадондаги шарт-шароитни ўрганиб чиқиш тақсимлаб берилган. Шунингдек, инсон омилсиз 23 нафар нафақа тайинланган

оилани биргина маҳалла томонидан ўрганилганда 6 тасининг номида автомашина бўлиб, ушбу машиналарни ишлаб чиқилганга 7 йилдан ошган бўлса ёки бировнинг номидаги автомашина ижрага олиб миниб юрган бўлса, автомашинаси борми, албатта улардан оилавий шароити яхшилиги, моддий ёрдамга муҳтож эмаслиги, болалар нафақасига эҳтиёжи йўқлиги мазмунида ариза ёздириб олишга мажбур этилмоқда.

Маҳалла раислари бу вазифани бажармаган тақдирда пенсия жамғармасининг мулозимлари дўқ-пўписа қилмоқда. Бу мазмундаги ариза олиш ўз навбатида аҳолининг маҳаллага ва маҳалла раисига норозилигини келтириб чиқармоқда.

Бу каби нотўғри амалиёт ортида турган масъул раҳбар ҳамда уларнинг мулозимлари маҳалла раисини адолатсиз иш қилишга мажбурламоқда. Нафақа тайинлаш инсон омилсиз бўлса, нега яна нафақа тайинланган оиланинг шарт-шароитини маҳалла раиси ўрганиб чиқиб, нафақа олмасликка мажбур этиши керак? Унда пенсия жамғармасидаги «Ижтимоий ҳимоя» ягона реестри хато ишламоқдами? Ёки ушбу ташкилот раҳбар ва масъуллари ўз вазифасини уддалай олмагани учун маҳалла раиси уларнинг хатосини тозалаши керакми? Бу каби ишлар орқали маҳалла раисини ҳалққа қарши қўйишдан ким манфаатдор? Ёки пенсия жамғармаси мутасаддилари қарор ва низомга риоя қилмай қўйганми?

**Юсуф САЛИМОВ,**  
Самарқанд вилояти  
камбағалликни қисқартириш ва  
бандлик бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## «Агар рўйхатда номаълум шахслар аниқланса...»

**Нурпўлат ИСМОИЛОВ,**  
Арнасой туманидаги  
«Ғолиблар» маҳалласи раиси:

— Уйда рўйхатда турган одамларни рўйхатдан қандай тартибда чиқариш мумкин? Бундан сўрашим сабаби, гоҳида фуқаролар уйига номаълум шахслар рўйхатда туриб олган ҳолатлар кузатилади. Бундай вазиятда қандай йўл тутмоқ керак?

**Исломжон АБДУРАҲИМОВ,**  
«Мадад» ННТ ижрочи директор  
ўринбосари:

— Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексининг 52-моддасида муниципал, идо-



равий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради, деб кўрсатилган.

Шунга асосан, агар уйингизга

рўйхатда турган фуқаро 6 ой давомида яшамаган бўлса, у яшаш ҳуқуқини йўқотади. Шундан сўнг судга мажбурий тартибда рўйхатдан чиқаришни сўраб даъво ариза билан мурожаат қилиш лозим.

Уйда кимлар рўйхатда турганини билиш учун тегишли ташкилотга бориш шарт эмас. Бунинг учун Му.gov.uz порталига кириш, «Шахсий кабинет»га ўтиш, «Фуқаролик» бўлимини танлаш, «Доимий яшаш жойида яшовчилар рўйхатини тўғрилатиш учун сўров юбориш» тугмасини босиш керак.

Агар хонадонда нотаниш шахслар рўйхатга олинганини аниқланса, шу манзилнинг ўзида ёқ ўчиришга электрон мурожаат юбориш мумкин.

МУАММО

## «Дастурнинг ижроси қоғозда қолиб кетди»

Маҳаллада 3 026 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер» — узумчилик ва томорқачилик. Халқимиз ниҳоятда меҳнаткаш. Ўсиш нуқтамиз асосида бандликни таъминлашга эришяпмиз. Қаҳратон қиш қиличини ялонғочлаб турган бир паллада ёз неъматлари етиштириш катта меҳнат ва маҳоратни талаб этади. Ҳудудимизда ана шундай миришкорлар кўп. Йилнинг тўрт фаслида даромад олишади. Масалан, айни кунда хонадон томорқасига экилган аччиқ қалампир ҳосилга кирди.



Супарна Муртазоева ёш бўлса-да, ана шундай томорқачи сифатида тилга тушган. Хонадонидagi мўъжаз иссиқхонада етиштирилган неъматлардан кўз қувнайди. Садафдек терилган аччиқ қалампир кўчатлари қийғос ҳосилга кирган. Ўртача бир марталик ҳосилдан 40-50 миллион сўм даромад топмоқда. «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури доирасида «Халқ банк»и туман бўлимидан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 5 сотих ерга иссиқхона қурди, томчилатиб суғориш жиҳозларини ўрнатди, иссиқлик тизимини ишга туширди. Амалий ишлар йилнинг тўрт фаслида томорқадан унумли фойдаланишда қўл келмоқда. Ҳудудда деярли бекор юрган одам, бўш қолган экин майдони йўқ. 556 та хонадоннинг деярли ҳар бирида иссиқхона ташкил қилинган. Бу тажриба бугун маҳалланинг ташриф қоғозига айланиб бўлди. Айниқса, қалампир етиштириш ҳадисини олган миришкор ёшлар кўп. Ҳоким ёрдамчиси 2023 йилда 20 нафар фуқарога кредит ва субсидия ажратишга тавсия берди. Етиштирилган сара ҳосил ички бозордан ташқари яқин қўшни мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Узумчилик алоҳида эътирофга арзийди. Ҳар бир хонадонда узум етиштирилади. Аъзам Мусаев маҳаллада узумчилик бўйича етакчи тадбиркор. Жорий йилда бу маҳалладошимиз 500 миллион сўм даромад қилди.



Аммо инфратузилма билан боғлиқ муаммо бизни ташвишга солмоқда. 2022 йилда оғир ҳудуд тоифасига киритилганмиз. Уша пайт инфратузилмани яхшилаш бўйича дастур қабул қилиниб, режа белгиланди. Жумладан, 7 км. масофадаги йўлни асфальтлаш, 10 км. узунликда тоза ичимлик сув тармоғи тортиш, электр таъминотини яхшилаш учун 120 та бетон устун ва 2 дона трансформатор қўйиш белгиланганди. Тўғри, шулардан электр таъминоти бўйича 50 дона бетон таянч устун қўйилди, 2 км. узунликда кабел тортилди. Аммо трансформатор келмади. Натижада бугун 150 та хонадонда электр таъминоти муаммо. Дастурга киритилган, чизмалари чизилган йўл, сув тармоғи режаси қоғозда қолиб кетди, ҳеч иш қилинмади. Бундан ташқари, маҳалла биноси йўқ. Тадбиркор давлат-хусусий шериклик асосида маҳалла биноси қуриши керак эди. Бу иш тадбиркорга кредит берилмагани учун тўхтаб турибди. Бинони ҳозиргача 7 та хонаси қурилиб, тадбиркорнинг маблағи тугаб қолгани учун таъмир ишлари бажарилмай турибди. Мурожаатлар бесамар келиб, 2 йилдан бери тадбиркор ва маҳалла ходимлари сарсон. Ҳозирда «Ғайрат» маҳалла биносида ишлаяпмиз. Бу масалалар бўйича туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Аммо натижа бўлмади.

**Назиржон РАҲМАТИЛЛАЕВ,**  
Олтиариқ туманидаги «Эски араб»  
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



Дилором  
ШИРИНБОЕВА,  
Самарқанд  
шаҳридаги  
Абдулла  
Авлоний  
номли  
маҳалла  
райси.



**МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?**

### «Mahalla» билан ишимиз тез ва осон битлади»

— Ҳаётда тартиб-интизомга қатъий риоя қиламан. Маҳалла тизимида ҳам барча ишни шу мезонга кўра юртишни ўз олдига мақсад қилиб олганман. Худудимизда истиқомат қиладиган 2200 нафар аҳоли билан ишлашда, аввало, уларни тинглайман. Имкон қадар муурожаатига тезроқ ечим топишга ҳаракат қиламан. Шунда улар ҳам хурсанд, биз ҳам хотиржам.

Муаммоларни тез ва осон ҳал этиш учун доим янгилик ва ўзгаришлардан хабардор бўлиш талаб этилади. Бу борада менинг энг биринчи ёрдамчим — «Mahalla» газетаси. Ундан бир кунда бир неча марта фойдаланаман. Мақолалар айни одамларимизни ўйлантираётган мавзулардан келиб чиққани учун бизга кўмаги катта бўляпти. Шунинг учун нашрга келгуси йил учун обуна бўлди.

МУАММО

## «Ичимлик сув ва боғча зарур»

Маҳалла «драйвери» — узумчилик ва чорвачилик. «Мингтепа»ликларнинг барчаси узумчилик билан шуғулланади. Улар 20 сотихдан 40 сотихгача бўлган томорқаларида, асосан, «кишмиш» навини экишади. Шунингдек, ўндан ортиқ узумчилик фермер хўжаликлари бор.



Маълумот учун айтиб ўтиш керакки, деҳқоннинг машаққатли меҳнатлари эвазига пишиб етилган узум махсус сўриларда қуритилиб, майиз қилинади. Тайёр бўлган майизлар маҳалланинг ўзида тадбиркор томонидан йўлга қўйилган мевани қайта ишлаш корхонасида сараланиб, қадоқланади. Бу ерда 10 нафар киши доимий иш ўрнига эга.

Жорий йил 120 нафар ишсиз фуқарога кредит ажратиш орқали бандлиги таъминланди. 1 та ўқув маркази ташкил этилди. Шунингдек, электр таъминоти яхшилаш учун учта трансформатор қўйилди. 2 800 метр тупроқ кўчалар шағаллаштирилди. Ичимлик сувига 25 тонналик сув минораси ўрнатилиб, 700 метр сув қувурлари тортилди.

Маҳаллада 2024 йил 480 ўринли мактаб қурилиши режалаштирилган. 4 та қишлоққа давлат шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасаси ташкил қилиш зарур. Шунингдек, Қолдувойжар, Авазмерган, Қорабоғлон қишлоқларига 4 та трансформатор, 120 та бетон устун, 5 400 метр кабель ва 2 та 25 тонналик сув минораси ўрнатилиши режалаштирилган.

Ўткир ОЧИЛОВ,  
Ургут туманидаги «Мингтепа» маҳалласи райси.

НИГОҲ

## «Маҳсулот кўп, фақат қайта ишлаш ва экспорт қилиш керак»

Маҳалла аҳолисининг деярли барчаси хунармандчилик билан шуғулланади. Улар, асосан, дераза ва эшик-ромлар ҳамда темир дарвозалар ясашади. Ўнга яқин ёғоч ўймакорлар бор. Сафоевлар сулоласи, Орифжон Машарипов «уста-шогирд» аънаналари мавжуд.



Анорчилар кўп. Эллик фоиздан ортиқ хонадон эгаларининг ҳар бири томорқаларида 30-40 тупдан анор парваришлamoқда. Шунингдек, 10 та фермер анорчилик билан шуғулланмоқда. Маҳсулот мўл, фақат қайта ишлаш ва экспорт қилиш зарур. Ҳозирча аҳоли кичик усқуналар ёрдамида анор шарбатини тайёрлаб, маҳаллий бозор ва катта йўл бўйларига сотишмоқда. Келгусида анор шарбатини қадоқлаш корхонасини ташкил этиш режаси бор.

Маҳалла Урганч ва Хива шаҳрини боғловчи катта автомобиль йўл

бўйида жойлашгани сабаб, туризм соҳаси ривожланмоқда. Бунинг учун имкониятлар мавжуд. Хусусан, «Фов» кўл атрофида сайёҳлар дам олиши учун зарур шароитлар яратилган. Тамддихоналарда Хоразм таомларини тановул қилишлари мумкин. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида кўл атрофида 15 гектар боғ ва яшил ҳудудлар яратилиб, мевали ва манзарали дарахтлар экилмоқда.

Йиғинда инфратузилма яхшилаиб, аҳолига зарур қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, 3-оилавий поликлиника қайта қурилиб, замона-

вий шарт-шароитлар яратилди. Бунга қўшимча тарзда махсус жиҳозланган контейнер қўйилиб, тиббиёт пункти очилди. Иккита мактаб ичимлик сув билан таъминланди. 14-мактабда мини стадион фойдаланишга топширилди. 13 километр йўл бетонлаштирилди. Энг муҳими, тадбиркор замонавий маҳалла идорасини қуриб берди. Унда 2000 мингта китоб фондига эга кутубхона бор. У ердаги китоблар билан бирга, «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zguisi» журнали аҳолининг сеvimли нашрлардан бирига айланган.

Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож аҳоли доимий эътиборда. Ана шундай инсонларнинг 19 нафарининг уйи шиферланди, 5 нафарининг уйи таъмирлаб берилди.

Маҳаллада спортсевар ёшлар кўп. Кураш бўйича республикада 1-ўринни қўлга киритди. Уюлмаган ёшлар жамоаси «Ҳоким кубоги»да 2-ўринни эгаллади. Яқинда йиғин жиноятчиликдан холи ҳудуд бўлгани учун телевизор билан тақдирландик.

Қилиниши зарур бўлган ишлардан бири — Хива туманидан маҳаллага қўшилган ҳудудлардаги тупроқ йўлларни бетонлаш лозим. Аҳоли учун яна битта мактаб керак. Маҳаллада 15 та уй боғчалари бор, лекин улар етарли эмас. Шу сабаб битта давлат боғчаси зарур. Иккита болалар ўйингоҳи қуриш режалаштирилган, тадбиркор ҳам тайёр.

Ҳудуд катта — 11 минг аҳоли, 2544 та хонадон бор. Шу сабаб, «Лолозор», «Хунарманд» ва Раҳматжон Курбонов номли маҳаллаларга бўлинмоқда.

Гулнора РАҲИМОВА,  
Хива шаҳридаги  
«Лолозор» маҳалласи райси.

ТАЖРИБА

## «Йиғинда мактаб йўқ, ўқувчилар саргардон»

Маҳалла чекка ҳудудда жойлашган бўлиб, туман марказидан 25 километр олисда. Аҳоли деҳқон хўжалик маҳсулотлари, асосан, буғдой ва шоли етиштириш билан шуғулланади. Томорқаларига рўзғорбоп полиз маҳсулотлари экади.

Ҳар бирида ўртача 12 сотихдан томорқа ери бўлиб, унга куз ойида буғдой, ёз ойида ғалладан бўшаган майдонга шоли экади. «Қипчоқ»ликлар 12 сотихдан 2 тоннагача шоли олади. Ундан 1 тоннадан ортиқ тоза гуруч чиқади. Қолгани молларга ем-ҳашак, товуқларга дон бўлади. Ҳозирги кунда 1 килограмм гуруч нархи ўртача 14 минг сўмдан 18 минг сўмгача ҳисоблаганда, 1 тонна гуручдан 18 миллион сўмгача даромад олиш мумкин.

Бундан ташқари, 95 фоиз аҳоли ўз хонадонларида олтитагача катта-кичик қорамол, турли паррандалар боқади. Шу сабаб, гўшт, сут-қатик, тухум ўзларидан. Шахсан ўзимда 3 та қорамол, 100 га яқин ўрдак, курка, товуқ бор. Бу ҳам рўзғорга қўшимча даромад бўлмоқда.



Аҳолининг аксарияти ана шундай қўшимча даромадга эга. Орттирганини бозорга чиқаради. Худудда илғор деҳқон ва чорвадорлар кўп. Улардан энг тажрибалиси ака-ука Санъатбек ва Раматжон Хўжаниязовлардир.

Келгусида йиғиннинг ўзида сутни қайта ишлаш корхонасини қуриш режаси бор. Бунга аҳоли билан бирга, 3 та чорва фермер хўжалиги керакли сутни етказиб беришади.

Маҳаллада инфратузилма яхшиланмоқда. 7 километр ички йўллар шағаллаштирилиб, 10 километр

арик-зовурлар тозаланди. 2 та трансформатор ўрнатилди. «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси орқали 3 километр йўл асфальтланди.

Йиғинда мактаб йўқ, ўқувчилар қўшни маҳалладаги мактабга боришади. 3 та оилавий боғча бор. Келгусида ички йўлларни асфальтлаб, тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш режалаштирилган.

Муроджон БОЛТАЕВ,  
Боғот туманидаги  
«Қипчоқ» маҳалласи райси.



МУАММО

## «Солиқдан қарздорликни ундиришга кўмаклашяпмиз, лекин...»



**Маҳалла аҳолиси, асосан, ишчи-хунардмандлар. «Драйвери» – тикувчилик бўлиб, ҳар бир хонадон аёллари кўрпа қавиш, зардўзлик, попуричилик, каштачилик билан шуғулланади. Йиғинда «устоз-шоғирд» аънанаси йўлга қўйилган. Бу ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ва хунарни бўлишига хизмат қилмоқда.**

Инсон борки, муаммоси бўлади. Шу сабаб «маҳалла бешлиги» фуқароларнинг ҳар бир муаммосини вақтида ўрганиб, ҳал этмоқда. Жумладан, фуқароларнинг мурожаати асосида Минск кўчасидаги 15 та электр симёғоч янгиланди, кўчалар асфальтланди, ер ости қувурлар ўтказилди. Бироқ масъул ташкилотларнинг лоқайдлиги сабаб баъзи ишлар охирига етказилмаяпти. Хусусан, маҳалладаги эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган электр

симёғочларни бетон устунларга алмаштириш ишлари якунланмаяпти. Бу борада тегишли ташкилотларга мурожаат қилинган. Бироқ натижа йўқ.

Шу кунларда «маҳалла бешлиги» аҳолининг чиқинди, сув ва уй-жой солиғидан қарздорлигини ундиришга кўмаклашишга жалб этилган. Ҳар куни 1-2 миллион сўм қарздорлик ундириляпти, лекин умумий ётоқхона типидagi битта 4 қаватли уйда яшовчи 45 та оиланинг қарздорли-

гини ундириш қийин бўляпти. Уларга қанча тушунтирилмасин, барибир қарздорлигини тўлашмаяпти. Назаримда, бу ишлар фақат «маҳалла бешлиги»нинг эмас, балки солиқчи, чиқинди ва сув ташкилотлари масъулларининг асосий вазифасидир. Шу сабаб бу ишларни, аввало, шу ишга масъул ташкилот вакиллари бажариши керак эмасми?!

Келгуси режалардан бири, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, меҳнатига яраша даромад олишини ва тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур шароитлар яратишдир.

**Саодат НУРМАХМАДОВА,**  
Самарқанд шаҳридаги Ибн Сино номли маҳалла раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

## «Хайрли ишларга хайрихоҳлар кўп»



**Ҳар бир иш куни бошланишидан аввал «маҳалла бешлиги» билан кунлик вазифалар тақсимланиб, ўтган кунги тадбирлар ижроси юзасидан йиғилиш ўтказилади. «Хонадонбай» аҳоли муаммолари ўрганилиб, кўчалар озодалигини сақлаш ишлари олиб борилмоқда.**

Маҳаллада 12 та кўп қаватли турар жойлар бўлиб, уларда 556 та хонадон мавжуд. Кўп қаватли уйлар куз-қиш мавсумига тайёр. Хонадонларда умумий иситиш тизимлари бўлмаса-да, газ ва электр энергиядан муаммо йўқ. Икконияти борлари ўзлари мустақил иситиш тизимларини ўрнатиб олишган. Шаро-

ити йўқлари газ ва электр печлардан фойдаланиб келишмоқда.

Аҳолининг аксарияти завод ва корхоналарда, боғча, мактаб, ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусий секторда меҳнат қилади. Жорий йил 300 метр пиёдалар йўли бетонланди, электр энергия таъминотини яхшилаш учун 3 та бетон устун ўрнатилди. Иккита болалар ўйингоҳи қурилди.

Маҳаллада хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тадбиркор, депутат Алишер Райимқулов 10 нафар қийналган нуронийга бепул тиш қўйиб берди. Шифокор Назарали Тўйчиев юрак жарроҳлик амалиётига муҳтож фуқарони ордер орқали бепул даволади. Шунингдек,

ўнга яқин фуқарода кўз ва жигар жарроҳлик амалиётлари бепул ўтказишга эришилди.

«Қизил» тоифада турган Асал Абдухамидовага 10 миллион сўм субсидия ажратилиб, гўзаллик салонини очишига кўмаклашилди. «Ёшлар дафтари»да турган ёшларнинг 8 нафарига контракт пули, 3 нафарининг даволаниш харажати қопланди. Бир нафарига асбоб-ускуна берилиб, 5 нафари илм-фан тўғрақларига жалб қилинди. 5 нафари ишли бўлди.

«Яшил макон» умумий лойиҳаси доирасида маҳалла биноси ёнига 50 туп кўчат экилди.

«Маҳалла бешлиги» томонидан низоли, муаммоси бор оилалар ҳолати доимий ўрганилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Соҳа мутахассислари иштирокида «Жаҳолатга қарши маърифат», «Оила – муқаддас» шiorларни остида маънавий тадбирлар ўтказилмоқда. «Ота-оналар университети», «Кексалар маслаҳат» гуруҳи аъзолари иштирокида ҳафта давомида қилиниши керак бўлган ишлар муҳокама этилмоқда. Яна бир янгилик, фуқаро Дилором Аҳмедова «Ўн ёшга бир нуроний» кўрик-танловида вилоят босқичига йўлланма олди.

**Гулноза АКБАРАЛИЕВА,**  
Оҳангарон шаҳридаги «Шодлик» маҳалласи раиси.



**Хонбуби АЛДАБЕРГЕНОВА,**  
Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулбод» маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

### «Ҳаётнинг барча жабҳалари жамланган»

– 2014 йилдан буён маҳалла раиси лавозимида ишлаб келяман. Қилаётган меҳнатларимиз аста-секин ўз самарасини бермоқда. Худудимиз обод масканга айланиб, кундан-кунга аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб бормоқда. Ҳозир асосий эътиборимиз фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

Айни бу масалада бизга «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zusi» журналининг ёрдами катта бўлаётир. Унда маҳалла ҳаётининг барча жабҳалари қамраб олинган. Худудимиздаги дам олиш ва даволаниш масканига таширф буюрадиганлар ҳам катта қизиқиш билан ўқишади.

ТАЖРИБА

## «Деҳқончиликдан мўл даромад топишяпти»

**Маҳалланинг асосий «драйвери» – деҳқончилик. Олтмиш фоиз аҳоли қарам, сабзи, бодринг, лавлаги, қовоқча (кабачка) экиб, даромад топади. Асосан, қарам, сабзи ва пиёз экспорт қилинади.**



Деҳқонлар яхши даромад олишлари учун йиғиб олинган полиз маҳсулотларини йирик совуткичларда сақлаб, қиш ва баҳор ойларида бозорга чиқариб сотишади. Бунинг учун тадбиркорларнинг 100-500 тонналик совуткич омборлари мавжуд.

Йиғим-терим мавсумида деҳқонлар учун зарур пластик яшиқлар маҳалланинг ўзида ишлаб чиқарилади. Маҳмуджон Рашидов, Валерий Салямов ана шундай тадбиркорлардан. Уларнинг совуткич омборхоналари мавжуд.

Бундан ташқари, аҳолининг 80 фоизи қорвачилик билан шуғулланади. Деҳқон хўжалиги маҳсулотлари билан бирга, гўшт, сут-қатик ўзларидан. Рўзғоридан органларини бозорга чиқариб, қўшимча даромад топяпти.

Маҳалла 2022 йил «Обод маҳалла» дастурига киритилиб, бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 5 километр йўл асфальтланди. 250 ўринли 43-мактаб ва 150 ўринли 32-боғча фойдаланишга топширилди. Битта трансформатор, 118 та бетон устун ўрнатилиб, 2 километр электр симлар тортилди. Икки километр пиёдалар йўли қурилди. Келгусида яна 2 километр йўлни асфальтлаш ва битта артезиан кудуғини таъмирлаш зарур.

**Шухрат УСМОНОВ,**  
Самарқанд туманидаги «Қозикўрғон» маҳалласи раиси.





Мелс  
УТЕМУРАДОВ,  
Шуманай  
туманидаги  
«Маданият»  
маҳалласи  
раиси.

## МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

### «Ҳар бир мақолани иштиёқ билан ўқийман»

— «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgusi» журналининг ашаддий ихлосмандиман. Уларда эълон қилинаётган ҳар бир мақолани иштиёқ билан ўқиб чиқаман. Бу нашрлар мен учун қўлланмадек гап.

Идорамизга мурожаат қилиб келган фуқаролар билан ишлашда, уларга йўл-йўриқ кўрсатишда газетада эълон қилинган тавсия ва тажрибалардан фойдаланаман. Журналдаги тахлилий материаллар янгилик ва ўзгаришлардан тўлиқ ва батафсил маълумот олиш имконини беради.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

### Дилбар ОТАМУРОВА, Олот туманидаги «Маърифат» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда тўрт ва ундан ортиқ фарзанди бўлган оилалар бор. Уларнинг аксариятида болалар 18 ёшгача етмаган. Яқинда улардан биттаси маҳаллага мурожаат қилиб, тўнғичи 21 ёшда, талаба эканини айтиб, кўп болали оилаларга берилиши мумкин бўлган имтиёзлардан фойдалана олиш-олмаслигини сўради. Айтингчи, бундай оилаларга қандай имтиёзлар бор?

## Фарзанд 18 ёшга тўлса, оила имтиёздан фойдалана олмайдими?



Елена ХИКМАТОВА,  
«Норма» эксперти, ҳуқуқшунос:

— Қонунчиликка кўра, 4 нафар ва ундан ортиқ 18 ёшга тўлмаган боласи бўлган оила кўп болали оиладир. Бунда агар 4 нафар ва ундан ортиқ болаларидан 1 нафари ёки ундан кўпроғи таълимнинг кундузги шаклида (ўрта махсус ва профессионал, олий) таълим ташкилотларида ўқиётган ҳамда 22 ёшга тўлмаган бўлса, бу оила кўп болали оила ҳисобланади. Шунга кўра, Сиз қайд этган ҳолатда оила кўп болали оила ҳисобланади.

Давлат кўп болали оилаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлайди. Жумладан, тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан молиявий ёрдамлар кўрсатилади.

Кўп болали ота-оналар учун иш ўринларининг энг кам сонини туман (шаҳар) ҳокимлари белгилайди, шунингдек, ташкилотларнинг захирасига қўйилади. Бунда болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўрни яратилади.

Кўп болали оилаларнинг болалари давлат мактабга таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишда имтиёзли рўйхатга киритилади. Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар жисмоний шахслардан олинган ер солиғидан озод қилинган.

## ФИКР

# «Раисларнинг онлайн платформаси бўлса...»

Маҳалламизда 5 187 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий «драйвер» — ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш. Жорий йилда бунёдкорлик ишлари доирасида маҳаллада 3 километр йўл асфальт қилинди, 3 та трансформатор, 7 та кўп қаватли уй таъмирланди. «Ташаббусли бюджет»да ютиб олинган маблағлар эвазига ҳудуддаги мактабнинг фасад қисми ва спорт зали ҳолати яхшиланди.

Энг катта янгилик — маҳалла ҳудудда 2,5 гектар майдонда замонавий истироҳат боғи барпо этилди. Собиқ «Тўқимачи» деҳқон бозори ўрнида, шаҳарнинг бир чеккасидаги ташландиқ жойда экин кўкартиришнинг ўзи бўлгани йўқ, албатта. Қисқа фурсатда бу ерда минг туп дарахтдан иборат ўзига хос яшил хиёбон ташкил этилди. Қолаверса, боғда фаввора, ўриндиқлар, йўлаклар, ёриткичлар ва бошқа қулайликлар ҳозирланди. Бунинг учун 3 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Натижада нафақат ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли, балки шаҳар меҳмонларининг дам олиши учун яна бир шинам ва кўркем маскан жой яратилди.

Таклифлар масаласига келсак, маҳалла раислари учун онлайн платформа яратиш керак. Ҳозирда йиғиндаги бошқа ходимлар ўз фаолияти бўйича маълумотларни онлайн платформага киритиб боради. Шу маънода маҳалла раислари фойдаланадиган платформа барча ташкилотлар, хусусан, ички ишлар, миграция, поликлиника, коммунал ташкилотлар ва ҳоказолар билан интеграция қилинган бўлиши зарур. Шунда ҳар бир раис маҳалла аҳолисини платформага жойлаб,



кузатиб боради, янги келганларни хатловдан ўтказиб, платформага киритади. Платформа базасида ҳар бир хонадон ҳолати, қарздорлиги, касаллиги ва ҳоказо маълумотлар кўришиб турса, улар билан манзилли ишлаш имконияти ошади.

Яна бир масала — 2024 йилдан маҳаллада «еттилик» фаолияти йўлга қўйилиши айтиляпти. Солиқчи солиқ йиғимлари, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ масалаларда банд бўлса, ижтимоий ходим аҳолининг турли қатламлари билан ишлайди. Истардикки, барча маҳал-

лаларда Давлат хизматлари маркази филиалларини ташкил этиш имкони бўлмаса, йиғин раиси ёки ижтимоий ходимга давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ ваколат берилса. Шунда туман (шаҳар) марказидан олисда жойлашган маҳалла аҳолиси, айниқса, ногиронлиги бўлган, эҳтиёжманд шахслар овера бўлишининг олди олинади.

Шерзод ЖУМАЕВ,  
Бухоро шаҳридаги  
«Тўқимачи» маҳалласи раиси.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

# Ойлик ошиши алиментга таъсир кўрсатадими?

### Амрилло АСАДОВ, Вобкент туманидаги «Шакаркент» маҳалласи раиси:

— 1 декабрдан ойлик маошлар ошди. Ўз навбатида турли жарималар миқдори ўзгарди. Айтингчи, бу жараёнда алимент миқдори ҳам ошадими? Агар шундай бўлса, қанчага ошиши мумкин?

### Фаррух ЖЎРАЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Президент фармони асосида 1 декабрдан бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маоши, нафақа ва пенсиялар миқдори оширилди. Бунга мутаносиб равишда базавий ҳисоблаш миқдори ҳам ошди. Жумладан, ойликлар оширилиши алимент тўловчиларнинг вояга етмаган болаларга тўлаётган алимент миқдорига таъсир кўрсатади.

Масалан, алимент тўловчи бюджет ташкилотидан ишловчи ходим



бўлса, вояга етмаган болаларининг моддий таъминоти учун ҳар ойда тўлаб келаётган алимент миқдори оғайинининг ошган қисмига мос равишда қўшимча маблағ тўлайди. Мисол учун, алимент тўловчи 3 миллион сўм ойлик олади ва икки нафар фарзанди учун унинг учдан бир қисмини, яъни 1 миллион сўмни алимент сифатида тўлайди, дейлик. 1 декабрдан унинг ойлиги 7 фоизга ошиб, 3 миллион 210 минг сўмни

ташкил этса, алимент учун маошнинг ошган қисмининг учдан бирини (70 000 сўм) қўшиб тўлай бошлайди. Яъни аввал 1 миллион сўм алимент тўлаган ота эндиликда 1 миллион 70 минг сўм тўлаши керак.

Ҳеч қачонда ишламайдиган алимент тўловчилар Оила кодексининг 140-моддасида кўрсатилган тартибда — ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, алиментни аввалгидан ошироқ миқдорда тўлай бошлайди.





Бекзод  
РУЗИҚУЛОВ,  
Жиззах  
шаҳридаги  
«Ёшлик»  
маҳалласи  
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

### «Mahalla» доим ёрдамга тайёр!

— Маҳалла раиси бўлганга қадар таълим соҳасида фаолият юритганман. Шунинг учун доим ўз устимда ишлашга ўрганиб қолганман. Одамларга кўпроқ фойда тегсин, ёрдам сўраб келганлар ноумид бўлмасин, деб мунтазам равишда ўқиб, изланишга ҳаракат қиляпман.

Бу борада мен биринчи бўлиб «Mahalla» газетасини ва-рақлайман. Унинг ҳар сонидан ўзим учун қандайдир янги усулларни ўрганаман. Ҳуқуқий билимларни ошираман. Баъзан бир кунда бир неча марталаб очиб ўқийман. Доим столим устида иш куралим ёрдамга шай бўлиб турсин, деб газетанинг келгуси йилги сонларига ҳам обуна бўлдим.

### БИЛАСИЗМИ?

## Ногиронлиги бўлган шахсларга қандай имтиёзлар берилган?

**Қонунчиликда бундай шахслар учун ОТМда давлат қўшимча қабул квотаси ажратилади. Автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.**

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ДХМ ва (ёки) ЯИДХП орқали хизмат кўрсатишда 50 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар жамоат бирлашмалари раъзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди.

Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ҳамда I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақасини тайинлашда давлат хизматлари бепул кўрсатилади.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар болаларини давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киритилган.

Тегишли тиббий хулоса асосида муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари берилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш ҳуқуқига эга.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк 60 квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади.

Меҳмонхоналарда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида шароитга эга хона ташкил этилади.

Хизмат турар жойларида яшаётган I ва II гуруҳ ногиронлари хизмат уйдан бошқа турар жой берган ҳолда кўчирилади.

Ногиронлиги бўлган ёшларга БХМнинг 50 бараваригача (17 млн сўмгача) субсидия ажратилади.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ер солиғидан озод қилинади.

Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилмаган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган болалар тўловдан озод этилади.

Болалиқдан ногирон бўлганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг МХТЭКМнинг 3 баравари (3 млн 150 минг сўм) миқдоридаги маблағлари даромад солиғига тортилмайди.

### ТАЖРИБА

## «Инфартузилма ва ижтимоий муҳит ўнгланипти»



**Худудда 3 380 нафар аҳоли яшайди. Жорий йилда Ёшлик, Лолазор, Янгикўрғон, Регистон, Пахтачи, Олтин Водий, Тиллақори кўчасининг 4 500 метр ички йўли шағалланди, ижтимоий соҳа объектларига туташ кўчалар асфальтланди. Пахтачи ва Ёшлик кўчасидаги 2 минг метр масофадаги симёғоч темир-бетон таянч устунга алмаштирилди.**

Хашар йўли билан Пахтачи қишлоғидаги 50 та хонадонга 1 400 метр ичимлик сув тармоғи тортилди. 300 метр масофадаги 50 мм. ҳажмдаги газ қувури 76 мм. ҳажмисига алмаштирилди. Марказий Пахтачи кўчасининг 1800 метр масофаси асфальтланди. 2 та «STRID WORKOUT» спорт майдончаси қурилди.

Президентнинг «2023-2025 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 6 800

миллион сўм маблағ ажратилиб, 180 ўринли мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг ижтимоий аҳолини ўрганиш мақсадида ўтказилган хатловда 1672 нафар хотин-қиз рўйхатга олинди. Уларнинг 103 нафари «Аёллар дафтари»га киритилди. 44 нафар 1-тоифадагиларнинг 8 нафари «Тадбиркорлик», 22 нафари «Ўзбек адабий тилининг ёзма нутқ меъёрлари» курсида, 13 нафари тикувчилик, 4 нафари ҳамшираликка ўқитилди. Бир нафар фуқаро тикув корхонасига ишга жойланди. Қолганлар ўзини ўзи банд қилди. 2-тоифадаги уй-жойга муҳтож Д.Ярлақובה ва Ф.Бобомуродовага 500 минг сўмдан ижара пули ойма-ой тўлаб берилмоқда. Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 15 нафарига, ижтимоий ҳимояга муҳтож 1-2-гуруҳ ногирони бўлган хотин-қизларнинг 14 нафарига пул маблағи берилди. Д.Рашидова тикув машинаси билан 5 млн. сўм миқдорда кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Ишсиз ва касбсиз 65 нафар хотин-қиз «Элегант» ўқув



марказида ҳамширалик курсини тамомлади. 9 нафари тикувчилик курсида касб ўрганди. 7 нафари 14 фоизли имтиёзли кредит асосида тикув машинаси олиб, ўзини ўзи банд қилди. 10 нафар ишсиз хотин-қизга 50 сотих ва 1 гектардан ер ажратилди.

Жорий йил 77 нафар тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, бунинг эвазига 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. 2023 йилнинг ўтган даврида «ONLINE-MAHALLA» электрон платформаси орқали кредит олиш истагини билдирган жами 67 та ариза келиб тушган бўлиб, 51 та аризага тавсиянома берилди. Шу асосида жорий йилнинг 9 ойида 51 нафар фуқарога 1 278 440 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилиб, улар оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

2022 йил унутилмас қувончли воқеа юз берди. Маҳалла биноси жорий таъмирланиб, барча зарур шарт-шароит яратилди. Бу иш самарадорлигини оширишга ижобий таъмир кўрсатяпти, албатта.

**Музаффар ҲАСАМИДДИНОВ,**  
Пахтакор туманидаги  
«Оқбулоқ» маҳалласи раиси.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

## «Ўзини ўзи банд қилганларга пенсия қандай тайинланади?»

**Толиб ЮСУПОВ,**  
Гулистон туманидаги  
«Юлдуз» маҳалласи раиси:

— Маҳаллада ўзини ўзи банд қилган фуқаролар кўпчиликини ташкил этади. Вақти келганда шу меҳнат стажи асосида пенсияга чиқиш имкони борми? Ўзини ўзи банд қилганларни пенсияга чиқиш тартиби қандай? Ҳозир 50 ёшли ишсиз хотин-қизлар 5 йил давомида ижтимоий солиқ тўлаб борса, 55 ёшдан пенсияга чиқа оладими? Уларнинг аввалги даврдаги иш стажи ҳам бор.

**Баҳриддин ЗИЁДОВ,**  
Пенсия жамғармаси ахборот  
хизмати раҳбари:

— Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, эракалар – 60 ёшга, аёллар – 55 ёшга тўлганда ва меҳнат стажи камида 7 йил бўлганда тўлиқсиз ёшга доир пенсия тайинланиши белгилаб қўйилган.

Фуқаролар Ўзбекистон Респуб-



ликаси Президентнинг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда белгиланган 101 турдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланса ҳамда ўрнатилган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баробари (340 минг сўм)да ижтимоий солиқ тўловини

тўлайди. Бу орқали уларга 1 йиллик иш стажи ҳисобланади.

Демак, фуқаро 7 йил давомида ҳар йили Пенсия жамғармасига ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида ижтимоий солиқ тўловини амалга оширган тақдирда, келгусида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳозирги кунда, иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига 608 000 сўмни ташкил этади. Пенсия миқдори иш ҳақи ва иш стажига боғлиқ. Агар фуқаро ижтимоий солиқни қанча кўп тўласа, пенсия миқдори ҳам шунча юқори бўлади.

Умуман иш стажи бўлмаса, 7 йил тўлаб, тўлиқсиз ёшга доир пенсияга чиқади. Яъни 57 ёшдан пенсия тайинланади. Агар стажи 7 йилга етмаса, ёшга доир нафақа тайинланади. Бошқа ишлаган даврдаги иш стажи ҳам ҳисобга олинади. Шунда 50 ёшли аёллар 5 йил ижтимоий солиқ тўласа, аввалги иш стажи кўшилиб, 55 ёшдан пенсия тайинланади.



ТАКЛИФ

## «Тадбиркор ваъдасини бажармаяпти»

**Х**удудимиз сўнги 2 йилда мутлақо ўзгарди. Инфратузилма яхшиланмоқда. Масалан, жорий йилда 3 км. масофада ичимлик сув тармоғи тортилди. Ҳомийлар ёрдамида светофор ўрнатилди. Аммо ҳали қиладиган ишлар кўп. Жумладан, электр таъминотини яхшилаш мақсадида янги тармоқ тортиш керак. Эски симёғочларни янги бетон устунга алмаштириш зарур. Яна 2 та янги трансформатор ўрнатиш лозим. Қўрғонча ва Назармахрам-2 кўчаси таъмирга муҳтож.

5 172 нафар аҳоли яшайдиган маҳалланинг асосий «драйвер» — тадбиркорлик. Бандликни таъминлашдан айнан шу йўналишдан самарали фойдаланяпти. Дастлабки хатловда 300 нафардан ортиқ ишсиз рўйхатга олинган бўлса, ҳозирда уларнинг 80 нафари иш билан таъминланди. Қолган 229 нафари ўсиш нуқтаси асосида ўзини ўзи банд қилди. Уларга ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан тадбиркорлик йўналишида кредит ва субсидия олишда кўмаклашилди.

Маҳалла ўз биносига эга. Аммо меъбел ва бошқа жиҳозга эҳтиёж бор. Масалан яқинда компьютер берилди. Бироқ тўлақонли ишлаши учун принтер зарур.

Шу ўринда бир неча йиллик муаммони ечишда амалий ёрдам сўрамоқчиман. Маҳалла худудидан Шахрихон — Кува йўна-

лишидаги катта йўл ўтган. Бир неча йил аввал шу йўл ёқасидан хусусий тадбиркор «Найнаво» маҳалласига автомобилларга газ қўйиш шохобчаси қурган. Бунинг учун газ тармоғи бизнинг худуддан олиб ўтилган. Бунда тармоқ қувурлари ер остидан қовлаб, тортилган. Табиийки, йўл ёқасининг энига 1,5 метр, узунлиги 4 км. масофадаги асфальт бузиб ташланган. Ушанда тадбиркор ишлар якунига етгач, барча таъмирлашни ўз ҳисобидан бажариб беришга кафолат хати тақдим қилганди. Хатда таъмирлашни ўз зиммасига олган. Аммо ҳозиргача йўл ёқаси қандай бузилган бўлса, шундай турибди. Бу ерда жойлашган тадбиркорлик дўконлари ҳамда аҳолига ноқулайлик туғдиргани учун улар норози бўлмоқда. Шу муножаат асосида маҳалла номидан тадбиркорга талабнома тайёрланди.



Энди учрашиб, муаммони ҳал этмоқчимиз.

Ўз навбатида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш учун таклиф бермоқчиман. Биринчи навбатда маҳалла худудини тозалаш, ободонлаштириш ишига жамоатчи ишчи штати

ажратилишини сўраймиз. Кейинги таклиф — маҳалла фаоллари, оқсоқолларни рағбатлантириш тизимини яратиш керак. Масалан, маҳаллада иккита кўча бор. Шу кўча оқсоқолларига оз бўлса ҳам, рағбат зарур. Сабаби, вақти келса, улар биз билан оилавий



муаммо, тўй-маърака, ҳашар ташкил қилишда елкама-елка туради.

**Баҳромжон РАИМОВ,**  
Шахрихон туманидаги  
«Холдевоубек» маҳалласи  
раиси.

ТАЖРИБА

## «Аёлларда ишли бўлиш имконияти бор»

**Маҳаллада 3 178 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер» — қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик. Шундан келиб чиқиб, аҳоли бандлиги таъминланган. Масалан, хатловда 122 нафар ишсиз аниқланган бўлса, уларни иш билан таъминлашда «ўсиш нуқта» миздан самарали фойдаланяпти. Аукцион орқали ер бериб, деҳқон хўжалик ташкил этиляпти. Бундан ташқари, субсидия ва кредит асосида ўзини ўзи банд қиляпти.**



Куни кеча худудда яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида 100 ўринли корхона иш бошлади. Собик касб-хунар коллежи биносининг бир қисмида 10 турга яқин болалар кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган тикувчилик корхонаси очилди. Маҳсулотлар асосан ички бозорга сотилади. Келгусида муайян қисмини экспортга йўналтириш режалаштирилган.

«Sardoba universal Cluster» масъулияти чекланган жамияти ҳомийлигида ташкил этил-

ган корхонанинг лойиҳа қиймати 2 миллиард сўмга тенг. Корхонага 66 та тикув машинаси, 25 та аверлок, 10 та дазмолловчи, 4 та ранг босувчи ҳамда 6 та қадоқловчи дастгоҳ келтириб ўрнатилди.

Яратилган 100 та янги иш ўринга маҳалладаги «Аёллар дафтари» ва «Ешлар дафтари»га киритилган хотин-қиз қабул қилинди. Ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун ошхона, кийиниш ва ювиниш, тиббиёт хонаси мавжуд. Уларга иш ҳажмига қараб 4 миллион сўмгача ойлик маош тўланади. Аҳамиятлиси, бу ерда мактаб ўқувчиларини касбга ўргатиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Корхона ойига 15 минг дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими, энди худудда барча аёлларни иш билан таъминлаш имкони пайдо бўлди.

Ўз навбатида худуд инфратузилмасини яхшилашга қаратилган ишлар натижасида жорий йил 4,5 км. йўл шағалланди, Настарин ва Маржонбулоқ кўчасининг 900 метр қисми республика бюджети ҳисобидан асфальтланди. Янгиобод, Интилиш, Мададқор, Бойчечак, Ўрикзор, Янгийўл, Мингчиноор кўчаси шағаллаштирилди. Худудда кўп квартиралар ижтимоий уй қуриляпти. Бу билан 6 нафар уй-жойга муҳтожларни эҳтиёжи қондирилади. Маҳаллий бюджет маблағи эвазига 4- умумтаълим мактабининг иссиқлик таъминоти тармоғи янгиланяпти. 2,7 км. зовурлар таъмирланди. Тўртта тик мелеоратив қудуқ таъмирланиб, 2 таси янгидан қурилди.

Шу билан бирга режа бўйича қиладиган ишлар йўқ эмас. 58 та симёғоч бетон устунга алмаштирилиши, 7,5 км. йўлимиз жорий таъмирланиши лозим. 2 та кўп квартиралар уй замонавий типда таъмирланади. Оқовасув келадиган бетон ариқнинг 1,2 км. масофасини реконструкция қилиш зарур. Бу билан томорқадан самарали фойдаланиш ва «ўсиш нуқта» мизни ривожлантириш имкони ортади.

**Ғулмжон ЎСАРОВ,**  
Сардоба туманидаги  
«Ровот» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## Кимлар ижтимоий солиқ тўлаши мумкин?

**Ёрқинжон АЗИМОВ,**  
Учкўприк туманидаги  
«Мерган» маҳалласи раиси:

— Расмий тарзда бирор ташкилот ёки корхонада ишламайдиган фуқаро меҳнат стажини учун ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши мумкинлиги белгиланган. Айтилган, кимларга шундай имконият берилган?



**Дилдора ҲОШИМОВА,**  
Солиқ қўмитаси ахборот  
хизмати раҳбари:

— Ўзини ўзи банд қилган шахслар, яъни шахсий томорқа ер участкасида банд бўлган ёки мазкур майдонда чорвачилик (қорамол, қўйлар, эчкилар, отлар ва бошқалар), иссиқхона хўжалиги, паррандачилик (товуқлар, беданалар, куркалар, ғозлар, ўрдақлар), қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик билан шуғулланаётган ер участкаларининг эгалари ёки уларнинг оила аъзолари бу имкониятдан фойдалана олади. Уларга тегишли томорқа ер участкасининг майдонидан ёки улар томонидан парвариш қилинаётган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қатъи назар бу тартиб амал қиладиган.

Бундан ташқари, деҳқон хўжалиги аъзолари (деҳқон хўжа-

лиги бошлиғи бундан мустасно) ва деҳқон хўжалигида банд бўлган жисмоний шахслар, меҳнат шартномаси асосида чет элда ёлланиб ишлаётган Ўзбекистон фуқаролари, Ўзбекистон давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан чет давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйларида, ваколатхоналарда (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан), ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон фуқаролари, ишламайдиган эри (хотини) учун солиқ тўловини амалга оширувчи ишлаётган фуқаролар ижтимоий солиқ тўлаб, меҳнат стажига эга бўлиши мумкин. Бу Солиқ кодексининг 408-моддасида белгиланган. Ижтимоий солиқ ҳар йили камида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдоридан тўланиши лозим. Жорий йилнинг 1 декабридан бошлаб, БҲМнинг 1 баравари 340 000 сўм этиб белгиланган.



ТАЖРИБА

## «Илмга, касб-ҳунарга интилувчи ёшлар кўп»




тикувчилик касбини ўргатмоқда. Ўқув курсида Ҳилола Исоқова 30 нафар ўқувчи-ёшларга инглиз тилидан сабоқ бермоқда. Қувонарлиси, илмга, касб-ҳунарга интилувчи ёшлар кўп.

Спортсевар ёшлар кам эмас. Уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, дастлаб 4-мактаб ҳовлисида мини стадион бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Келгусида ёшлар учун спорт комплекси қуришни, нуронийларга дам олиш маскани, чойхона ёки гузар ташкил этиш режаси бор.

Маҳаллани янада ривожлантириш, халқимизнинг давлатдан рози бўлишлари учун бор куч, тажриба ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

**Худайберган ЖУМАНИЁЗОВ,**  
Янгиариқ туманидаги  
«Остона» маҳалласи раиси.



Турсунмурот НУРМАТОВ, Қўшработ туманидаги «Уртасой» маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

### «Муҳими, ишончли манбаларга асосланган!»

– 2017 йилдан буён маҳалла раиси лавозимида ишлаб келаётган бўлсам, ҳар доим ўз ташаббусим билан «Mahalla» газетасига обуна бўламан. Сабаби, унинг ҳар бир сони бизга зарур бўлган маълумотлар билан тўла.

Айниқса, идорамизга муурожаат қилиб келадиган фуқароларнинг саволларига батафсил жавоб беришимизда газетадан мунтазам фойдаланамиз. Муҳим жиҳати, унда берилган барча мавзулар ишончли манбаларга асосланган.

Маҳалла Туркменистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Аҳолининг асосий даромади – деҳқончиликдан. Томорқа ерларига озиқ-овқат маҳсулотлари – қарам, картошка, пийёз, помидор, бодринг экади. Рўзғоридан ортганини туман марказидаги деҳқон бозорига чиқариб сотади.

Аҳолининг ўттиз фоизи давлат ташкилотлари ва хусусий секторда меҳнат қилади. Маҳаллада учта тўйхона, битта газабетон ишлаб чиқариш цехи бор. Тадбиркорлик субъектининг асосий қисми озиқ-овқат ва қурилиш савдо дўконлари ҳамда новвойхона йўналишида фаолият юритмоқда.

Аҳолига қулай инфратузилма яратиш мақсадида 1,5 километр ички кўчалар асфальтланган, 2,9 километри шағаллаштирилди. 1 900 метр пиёдалар йўли қурилди. Яна 3-4 та кичик тупроқ кўчаларни шағаллаштириш ишлари қолди.

Икки қаватли маҳалла идораси ҳомийлар кўмагида таъмирланиб, йиғин балансига ўтказилди. Бу ерда тикувчилик цехи, ўқув курси фаолият юритмоқда. Масалан, тикувчилик цехига раҳбарлик қилаётган Сурайё Собирова 12 нафар хотин-қиз бандлигини таъминлаб, кўпчиликка

ИМКОНИЯТ

## «Йиғилишга борай десак, туман маркази узоқ»

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига қарашли «Омонқўтон» миллий табиат боғи ҳудудида, тоғли жойда жойлашган маҳалламиз учта кишлоқдан иборат. Уч ярим минг аҳолининг аксарияти Самарқанд шаҳри ва Ургут тумани марказидаги давлат ташкилотлари ва корхоналарда ишлайди.

Аҳолининг асосий даромади деҳқончиликдан. Ҳар бир оиланинг 2-3 минг тупдан қрим соснаси бор. Уларни парваришлаб, қўшимча даромад олади. Ёнғоқлари кўп. Тоғлардан дўлана теришади.

Бу ерларда қўриқхона ташкил этилмасидан олдин аҳолининг тўқсон фоизида чорва моллари бўлган. Миллий табиат боғи ташкил этилгач, табиатга зарар етказмаслик учун кўпчилик молларини сотишди. Ҳозир ўттиз фоиз аҳолида чорва моллари бор, холос.

Маҳалла туризм зонасига киритилган. Табиати, иқлими ажойиб. Ҳозирда сайёҳларнинг мароқли дам олишлари учун ўттизга яқин уй меҳмонхоналари фаолият юритмоқда. Болажонлар учун



4 та ёзги оромгоҳ бор. Яқинда битта санатория фойдаланишга топширилди. Унинг ёнидан беш юлдузли меҳмонхона қуриляпти.

Жорий йил ҳашар йўли билан маҳалла биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Муаммоларнинг аксариятини маҳалланинг ўзида ҳал этилган. 2024 йил дастурга 110 та бетон устун ва битта трансформатор қўйилиши ва ички кўчалар асфальтланиши киритилган. Туман маркази олис бўлгани учун баъзида йиғилишларга бориб-келишга қийиналган. Имкон қадар йиғилишларни камайитириш зарур.

**Абдуғани ОЧИЛОВ,**  
Ургут туманидаги  
«Омонқўтон» маҳалласи раиси.

**PS:** «Омонқўтон» миллий табиат боғининг умумий ер майдони 1 500 гектар. Қўриқхона зонаси 1 000 гектар, рекреация зонаси 400 гектар, хўжалик мақсадида фойдаланиш зонаси 100 гектар.

БИЛАСИЗМИ?

## Бир ойда 6 608 сўм, бир йилда 79 296 сўм иқтисод қилади

«Яшил» энергияга ўтиш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш учун зарур бўлган «омиллардан бири ҳисобланадиган энергия самарадорлиги, аввало, ўзимиздан бошланади. Мисол учун, биз қандай лампалардан фойдаланамиз?»

Ўзбекистонда 2016 йил 1 июлдан қуввати 40 Вт.дан юқори бўлган чўғланма лампаларни эркин муомалага чиқариш, 2017 йил 1 январдан уларни сотиш тақиқланган. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 299-сонли қарорида белгилаб берилган.

**Афсуски,** Ўзбекистонда энергия самарасиз чўғланма лампа ишлаб чиқарилмас-да, ушбу 40 Вт.дан юқори бўлган, самарадорлиги жуда паст бўлган чўғланма лампалар бозор растанларида сотилмоқда.

**Хўш, энергияни тежаш нима учун керак?** Хусусан, электр энергияси истеъмолда энергия самарасиз чўғланма лампа ва энергия тежамкор, замонавий ЛЕД лампасининг аҳамиятини таҳлил қиламиз.

**Биргина энергия тежовчи светодиоид – ЛЕД лампасининг қанчалар фойдали эканини биласизми?**

Агар фойдаланилаётган 100 Вт. қувватли чўғланма лампаларни 7 Вт. қувватли энергия тежовчи лампаларга алмаштирилса, сутка давомида 8 соат ишлаганда қуйидагилар сарфланади:

– 100 Вт. қувватли лампа бир кунда ўртача 8 соат ишласа 800 Вт.соат, бир ойда эса 24 киловатт-соат электр энергияси сарфлайди.

– 7 Вт. қувватли энергия тежовчи лампа эса, бир кунда 8 соат ишласа 56 Вт., бир ойда (30 кун) 1,6 киловатт-соат электр энергияси сарфлайди.

**Демак,** бир дона энергия тежовчи лампа бир ойда 22.4 киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилади.

Бу эса электр энергиясининг амалдаги 295 сўм тарифи бўйича ҳисоблаганда, бир дона энергия тежовчи лампа бир ойда 6 608 сўм, бир йилда эса 79 296 сўм иқтисод қилади.

**Маълумот учун:** 100 Вт. қувватли энергия самарасиз лампа берадиган нур ўрнини ундан 15 маротаба энергия тежамкор бўлган 7 Вт. қувватли ЛЕД лампаси боса олади.

Ўзбекистондаги 7 миллион хонадон мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, биргина энергия тежамкор лампа ўрнатилиши ҳисобига бир йилда 156 млн. кВт.соат электр энергияси тежалишига эришилади. Ушбу бир дона энергия тежамкор лампа орқали тежалган электр энергияси 1 045 та хонадоннинг бир ойлик истеъмолини ташкил қилади.

Ушбу таҳлиллар фақатгина бир дона лампа мисолида олиб борилди.

Энергетика вазирлиги.

### LED lampa

<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Kam quvvat sarflaydi 11 Vt/s</li> <li>✓ Uzoq muddat xizmat ko'rsatadi 30 000 soatgacha</li> <li>✓ Chidamlilik resursi yuqori mexanik kuchlanish, zarba va tebranishlarga</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Xavfsiz ultrabinafsha va infraqizil nurlanish, og'ir metallar va simob mavjud emas</li> <li>✓ Past haroratda ishlaydi minimal qizish, deyarli barcha elektr energiya maxsus chiroqlarga o'tadi</li> </ul>
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

<ul style="list-style-type: none"> <li>✗ Yuqori quvvat sarfi 100 Vt/s</li> <li>✗ Qisqa xizmat muddati 1 000 soatgacha</li> <li>✗ Chidamlilik resursi kam zarba va tebranishlarga mexanik sezuvchan</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✗ Xavf termal zarba yoki kuchlanish lampaning portlashiga olib kelishi mumkin</li> <li>✗ Yuqori haroratda ishlaydi cho'g'lanma lampalar juda ham qizib ketadi va yong'in xavfini keltirib chiqaradi</li> </ul>
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**Cho'g'lanma lampa**



## МЕНДА САВОЛ БОР...



**Хусан ҚАРШИБОВ,**  
Зарбдор туманидаги  
«Янгиқент» маҳалласи  
раиси:

— Маҳаллада яшовчи пенсия ёшидаги нуронийлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бепул санаторийларда дам олиши белгиланган. Мана шу имтиёздан фойдаланиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз...

## Кимлар санаторийга имтиёзли йўлланма олади?



**Саидмуродхон БОБОХОНОВ,**  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги  
масъул ходими:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги «Аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти»га мувофиқ, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб, жисмоний шахслар санаторийларда даволаниш учун йўлланма олишга фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали мурожаат қилиши ҳамда навбатга туриши белгиланган.

Юқоридаги регламентга асосан, йўлланма куйидаги тоифадаги кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга 3 тоифага ажратган ҳолда бериллади:

**а) ҳар йили — навбат асосида:**  
уруш ногиронларига тенглаштирилган;  
республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи;

Чернобил АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобил АЭС ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган;  
ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга;

**б) икки йилда бир мартаба — навбат асосида:**

уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг янги никоҳдан ўтмаган бева хотинлари (бева эрлари)га;

1 ва 2-гурӯх ногиронлиги бўлган шахсларга, кўзи ожиз 2-гурӯх ногиронини кузатиб борувчи шахсга;

**в) уч йилда бир мартаба — навбат асосида ёшга доир пенсия олувчиларга.**

Йўлланма олиш учун ариза берилганда нотўғри маълумот тақдим этилиши давлат хизмати кўрсатишни рад қилишга, шунингдек, йўлланма олиш учун навбат келганда, ундан фойдаланмаслик, электрон рўйхатдан чиқаришга асос ҳисобланади.

## «Табиий газ муаммоси қийнаб турибди»



**Маҳалла иқтисодий салоҳиятини ошириш, бандликни таъминлашда ички имкониятдан самарали фойдаланяпмиз. Худуддаги ишсизлар бандлигини таъминлашда «ўсиш нуқта»миз асосида тадбиркорлик субъектлари сонини ошириб борапмиз.**

Масалан, ҳудудда жойлашган «Интеллект савдо бизнес» масъулияти чекланган жамият пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга татбиқ этди. Тадбиркор савб-ҳаракати билан корхонада 75-80 нафар ишчи-ҳодим доимий иш билан таъминланган, маҳсулотларни кўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

Тадбиркор Музаффар Мирзажоновнинг маҳалла худудидида контейнерлардан енгил конструкцияли кичик ишлаб чиқариш линияси ташкил этиб, ҳар бир контейнерда 20 нафар иш ўрни яратиш тажрибаси туманда оммалаштирилди. Маҳаллаларга контейнерлар ўрнатиш ҳисобига чарм-пойабзал маҳсулоти тайёрловчилар доимий бандлигини таъминлаш, хотин-қизларга субсидия асосида тўқув дастгоҳлари олиб бериш бўйича туман раҳбарларига

кўрсатма берилди.

2023 йилда жами 317 та иш ўрни яратилди. Барчаси тадбиркорлик йўналишида. Хатловда 195 нафар ишсиз аниқланганди. Уларга кредит бериб, томорқасида иссиқхона ташкил этилди. 100 нафардан ортиғи мавсумий ишга жойланди. Ҳозирда 25 нафар ишсиз бор. Шунингдек, 3 нафар эҳтиёжманд фуқарога субсидия берилди. 22 нафарига имтиёзли кредит олиш учун ёрдамлашилди. Натижада 16 та янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишида тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.


Тадбиркорлар йил бошидан буён жами 46 та янги иш ўрни яратишди. Хусусан, Ғанишер Муҳаммадалишеров 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиш эвазига ёстиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Маҳалладаги ишсиз аёлларнинг 6 нафарини иш

билан банд қилган тадбиркор бугунги кунда 20 турдаги ёстиқларни ишлаб чиқариб, ички бозорга сотишни йўлга қўйган. Ашурали Ҳожиматов 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ҳарбийлар учун пойабзал тикишни йўлга қўйди, 4 та иш ўрни яратди. Ҳабибахон Нишоновна 30 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига аёллар сумкаси тикишни йўлга қўйган. Ҳозирда қизи ва келини билан бирга оилавий тадбиркорлигини юритмоқда.

Худуд инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 1,8 км. ички йўл асфальтланди. 35 дона кўча чироғи ўрнатилди. Қалъа кўчасига 2,5 км. узунликда сув тармоғи тортилди. Ҳозир бизни табиий газ муаммоси қийнаб турибди. Шу масала ҳал этилса, қишда аҳоли қийналмасди. Бу борада тегишли ташкилотларга таклиф билдирилган.

**Қаҳрамон ҚАМБАРОВ,**  
Тошлоқ туманидаги  
«Тошлоқ» маҳалласи раиси.

## Бирга яшаётган хотин эридан алимент ундирса бўладими?



**Баҳодир МАДАЛИЕВ,**  
Боғдод туманидаги  
«Конизар»  
маҳалласи раиси:


— Бирга яшамасда, хотин эридан алимент ундириши мумкинми? Чунки айрим оилаларда гарчи эр-хотин бирга яшаса-да, эр фарзанд таъминоти учун маблағ ажратмайдиган ҳолатларга гувоҳ бўляпмиз.

**Акмал ОЧИЛОВ,**  
«Мадад» НТТ бош мутахассиси:

— Оила кодексининг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги белгиланган. 97-моддада таъминот бериши ота-онага бирдек мажбурият юклатилиши назарда тутилган. Яъни ота-онанинг ҳар иккиси болага алимент беришга тенг масъул.

Кодекснинг 136-моддасига кўра, алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Яъни алимент олиш ҳуқуқи вужудга келганидан бошлаб, улардан бири болаларига ихтиёрий таъминот бермай келаётган иккинчисидан суд тартибида алимент талаб қилиши мумкин. Гарчи улар бирга яшаётган бўлса-да, суд бу аризани кўриб чиқади ва қонуний қарор чиқаради.





Собиджон ХУЖАХОНОВ,  
Наманган туманидаги «Ибрат» маҳалласи раиси.

## МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

### «Mahalla» — чинакам маслаҳатдош»

— Агар бинонинг пойдевори бақувват қурилса, эртага ҳеч қандай муаммога ҳожат қолмайди. Ҳамма соҳада иш шу мезон асосида ташкил этилса, ижобий натижаларга эришиш осон кечади. Маҳалла ҳаётида ҳам худди шундай, айниқса, оила қурадиган ёшлар билан тўйдан аввал суҳбатлар ташкиллаштириш яхши самара беради. Биз келин-куёвлар билан алоҳида-алоҳида ишлаб, оиланинг муқаддас кўрғон эканини тушунтирамиз. Бу усулнинг ажралишларнинг олдини олишда фойдаси катта бўляпти.

Қолаверса, тизимдаги бошқа масалаларда тажриба ошириш учун «Mahalla» газетасидан жуда кўп фойдаланамиз. Унда бериб борилаётган раисларнинг ўзига хос иш услубларини амалда қўллаймиз. Чин маънода маслаҳатдошимиз бўлгани учун ҳам газетага 2024 йил учун обуна бўлдик.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

### «Пенсия тайинлашда устамалар ҳисобланадими?»

Салидин ДУШАЕВ,  
Гулистон туманидаги «Чортоқ» маҳалласи раиси:

— Маҳаллада аҳолидан энг кўп мурожаат нафақа мавзусида бўлади. Жумладан, айтиш мумкин, долзарб саволлардан бири пенсия ёшига етган фуқарога унинг миқдори фақат ойликдан ҳисобланадими ёки устама, мукофот пуллари ҳам инobatга олинадими? Масалан 5 миллион сўм маош оладиган талабгор кўшимча тарзда устама, мукофот пуллари олган бўлса, ойлик маошига шу пуллар қўшиладими?



Жавоҳир МУРОДОВ,  
Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

— Бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2022 йил 13 октябрдаги қарорининг 82-бандида белгиланган. Унга мувофиқ, пенсия ҳисоблашда иш ҳақи таркибига, шунингдек, иш ҳақининг натурал қисмига 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун қонунчиликка мувофиқ суғурта бадаллари, 2019 йилдан кейинги давр учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 371-моддасида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромад киритилади.

Ишдаги танаффус мавжудлигидан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) ойлик иш ҳақи олинади.

Демак, ойлик маошдан ташқари, устама ва мукофот пуллари ҳам кўшиб ҳисобланади.

## ТАЖРИБА

### «Қарор ижроси нега бажарилмади?»

Маҳалла муаммосини ҳал этишда «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси катта имконият бўлди. Олиб борилаётган ишлар худудларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Жумладан, бизнинг маҳаллада оилавий шифокорлик пункти бир неча йилдан бери таъмирга муҳтож эди. Шароит талабга жавоб бермасди.



Қарийб 40 йил аввал қурилган тиббиёт маскани биноси инфратузилмасини буткул яхшилаш бўйича илгари сурилган ташаббус энг кўп овоз олиб, ғолиб бўлди. Бугун оилавий шифокорлик пункти янги бинода иш бошлади. Туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда худуд аҳли ҳамжиҳатликда илгари сурган ташаббус ижросига йўналтирилган 1 миллиард 200 миллион сўмга яқин маблағ эвазига масканнинг замонавий кўринишдаги янги биноси қад ростлаб, жиҳозланди. Ташаббус самарасида, эндиликда муассаса-

даги тиббиёт ходимлари томонидан Бекобод, Кичик Тағоб ва Катта Тағоб маҳалласида истиқомат қилувчи 8 минг 400 нафардан зиёд аҳолига ҳар томонлама қулай ва замонавий шароитда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

«Ташаббусли бюджет»нинг 2022 йил 2-мавсумида худудга ичимлик сув тармоғи тортиш тақлифи ғолиб бўлди. Натижада 1 миллиард сўм маблағ ажратилиб, янги тармоқ тортилди. Бунга кўшимча равишда ҳомий ёрдамида 500 миллион сўм сарфлаб, ер остидан ичимлик сув

чиқарилди. 90 миллион сўмга ҳашар йўли билан 45 тонналик сув сақлаш минорасини ўрнатдик. 2023 йил 2-мавсумда лойиҳа танловида 52-умумтаълим мактабига кўшимча 120 ўринли бино қуриш тақлифи ғолиб чиқди. Ажратилган 1 миллиард 320 миллион сўм маблағ эвазига 3,3 км. асфальтлаш иши бажариладиган бўлди. Ҳозирда лойиҳа тайёрланяпти.

Худудда 4320 аҳоли истиқомат қилса, асосий «драйвер» — боғдорчилик. Ишсизликни тугатишда фуқаролар айтиш мумкин, масалани ўзаро ҳал ўзи банд қияпти. Мисол учун йил бошидаги хатловда 17 нафар ишсиз аниқланган бўлса, уларга субсидия ва кредит ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Гувоҳ бўлганингиздек, аҳоли муаммоларни ечишда фақат давлат қилиб берсин, деб кутиб ўтирмайди. Имкон топиб, масалани ўзаро ҳал этмоқда. 2022 йилда ҳашар йўли билан 14 км. масофадаги кўча асфальтланди. Туман ҳокимлиги 900 метр узунликдаги йўлларни асфальтлаб берди.

Шу билан бирга, худудда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бор. Масалан, болажонлар учун 150 ўринли давлат боғчасига эҳтиёж мавжуд. Бунинг учун жой ҳозирланган, фақат маблағ керак. Қолаверса, худуддаги 2 км. электр тармоқни янгилаш, 3 дона трансформатор ўрнатиш лозим. Масала «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори асосида ечилиши белгиланган. Аммо ишлар бажарилмади.

Сардоржон ЎРИНОВ,  
Ўзбекистон туманидаги «Бекобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### «Ўз ҳисобидан олинадиган таътил ижтимоий таътилми?»

Умидулла БАҲОДИРОВ,  
Янги Наманган туманидаги «Ахсикент» маҳалласи раиси:

— Биламизки, ташкилот ва корхонада ходим учун ижтимоий таътиллари белгиланган. Бу таътил асосида дам олишга чиққанлар ойлик маоши сақланиб қоладими? Аввало, шу ҳақда маълумот берсангиз. Шунингдек, ходим ўз ҳисобидан олинадиган таътил ижтимоий таътил ҳисобланадими?

Лазизбек ҚАРШИЕВ,  
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Меҳнат кодексининг 236-моддасида ходимга оналик, болаларни парваришлаш, таълим олиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек бошқа ижтимоий мақсадларда бериладиган таътиллари эканлиги белгиланган.

Қонунчиликда бир қатор ижтимоий таътиллари мавжуд. Меҳнат кодексининг 237-моддасига мувофиқ ходим қуйидаги ижтимоий



таътиллари олиш ҳуқуқидан фойдаланади:

- ҳомилдорлик ва туғиш таътиллари;
- бола парваришлаш таътили;
- ўқув таътили;
- ижодий таътиллари.

Ходим ўқув таътилида ёки ижодий таътилда бўлган вақтида унинг

ўртача иш ҳақи сақланиб қолади. Бундан олий таълим ташкилотларига ўқишга кирганда бериладиган иш ҳақи сақланмайдиган таътил мустасно.

Ўз ҳисобидан олинадиган таътил ижтимоий таътил тоифасига кирмайди.



## МАНЗАРА

## «Шунчаки ҳисобот учун хонадонларга бориш шарт эмас»

Маҳалламизда 31 та кўча бор, жорий йилда уларнинг 16 таси кум-шағал аралашмаси, 4 таси бетон қопламали йўл ётқизиш лойиҳасига киритилган. Қолаверса, ҳудуддаги ҳар бир маҳаллага ажратилган 500 миллион сўм маблағ эвазига маҳалла гузари биносини қуриш, 1 та жойга болалар майдончаси ташкил этиш, пиёдалар йўлакчаси бунёд этиш, кўчаларга ёритиш чироқлари, кузатув камералари ўрнатиш ишлари бажарилади.



Юқоридаги жараёнлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида берган топшириқлари асосида амалга оширилади. Лойиҳалар жорий йилда шаклланди.

тирилиб, 2024 йил давомида ҳаётга татбиқ этилади. Шу билан бирга, йиғиндаги бошқа ижтимоий масалалар «маҳалла бешлиги» ҳамкорлигида ҳал этиляпти. Жумладан, жорий йилнинг шу

даврига қадар ҳоким ёрдамчиси Жонибек Жумамуратов кўмагида фуқароларга 1 миллиард 973 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди. 106 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиб, 23 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. 12 нафар аёлга тикув машинаси, 8 нафар ёшга турли асбоб-ускуналар олиб берилган бўлса, 25 нафар йигит-қизнинг тўлов-контракт шартномалари тўлаб берилди.

Маҳалла фаолиятига оид фикрларимни баён этадиган бўлсам, бугунги давр биздан оғоҳликни, жараёнларга теран нигоҳ билан қарашни, «етти ўчлаб, бир кесиш»ни талаб қияпти. Одамларда битта ёмон одат бор: қайсидир оилада муаммо чиқса, бу менинг ишим эмас, «отанга бор, онанга бор», дейишга ўрганиб қолганмиз. Муаммо ечими ва масъулиятини зиммамизга олгимиз келмайди. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари бугун биздан жонқурликни талаб қияпти, «оилага кирдингми, уни охиригача ўрган, муаммосини ҳал қил», деган вазифани қўймоқда. Бу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳақиқий, амалий ҳамкорликни кучайтиришни зиммамизга



юқляпти.

Маҳалла фаоллари ҳудуддаги аҳолини билади, унинг дардини, ташвишини яхши тушунади. Демак, бугун маҳалла раиси шунчаки ҳисобот учун хонадонларга бормаслиги керак, аксинча бир кишининг бўлса-да, муаммосини ҳал этиш орқали халқ ҳаётини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ҳозирги даврда ҳисобот учун қилинадиган учрашув ва мулоқотлар керак эмас. Айни



мезондан келиб чиқиб, «маҳалла бешлиги» ўз фаолиятимизни режалар, тартибли асосда йўлга қўйганмиз. Ҳеч бир оила эътибордан четда қолиб кетмайди. Шу сабабли, ҳудудда ажралишлар, жиноятчилик ҳолатлари кузатилгани йўқ.

**Ҳамид РОМАНОВ,**  
Тўртқўл туманидаги  
«Янгиобод» маҳалласи раиси.

## НУҚТАИ НАЗАР

## «Оилага тайёрлашни мактабдан бошлаш керак»

Фуқаролар йиғини 2013 йилда ташкил топган бўлиб, бу ерда ҳозирда 3 505 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд инфраструктурасини яхшилашда Президент ташаббуси билан ажратилган 500 миллион сўмни мақсадли сарфляпмиз. Бунда овулга 5 та трансформатор ўрнатиш, болалар ўйингоҳи қуриш, йиғин идорасини қуёш панели билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилади. Қолаверса, жорий йилда 1 километр ички йўллар асфальтланди.

«Яхшидан боғ қолар» дейди доно халқимиз. Боғ яратиш, деҳқончилик қилиш тош ёпқиларнинг қон-қонига синган. Жорий йил овулда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 200 тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Уларга ҳақ тўланадиган жамоат ишлари доирасида масъуллар бириктирилиб, баравж ривожланишини кузатиб бориш имкони яратилди.

Масканда «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида кредит олиб, қўл меҳнати билан иссиқхона ташкил қилиб, анвойи гуллар етиштираётган Дониёр Холмонов сингари тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Қолаверса, овулнинг қўли гул чеварларидан бири Шаҳодат Юсупова имтиёзли кредит асосида тикув машина-

лари олиб, ҳозирда икки нафар маҳалладошини иш билан таъминланган. «Ёшлар дафтари»да турувчи Адолат Сапарбоева, Мавлуда Гулмоновага пиширик пишириш печлари топширилган бўлса, Асалоӣ Тўлибоевага субсидия асосида тикувчилик машинаси берилди.

Юқоридаги ишлар фуқаролар йиғинидаги «бешлик» вакилларининг ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият юритиши натижасидир. Келгуси йилдан солиқчи ва ижтимоий ходимнинг сафимизга қўшилиши одамларга янада кўпроқ қулайлик яратиш, эҳтиёжмандларни кўпроқ қамраб олиш имконини беради. Бу жараёнда, истардикки, ижтимоий ходим маҳалланинг ўзидан тайинланса, йиғин билан танишиш, оилаларни ўрганиб чиқишга ортиқча вақт



кетмас эди.

**Яна бир масала — ажралишлар бугун кўпгина оилаларни**

пароканда қияпти. Ёшларнинг ҳаётга енгил-елпи қарашини, учинчи шахс аралашуви, моддий қи-

йинчиликлар бунга асосий омил бўляпти. Йиғинда жорий йилда 4 та оила ажралишга қарор қилганди. Ҳудуд фаоллари, нуронийлар, имом-хатиблар иштирокида уларнинг барчасини яраштиришга эришдик. Бунда ҳар икки томон билан алоҳида суҳбатлар қурдик, кимнинг нима хоҳлаётгани, нимага эҳтиёж сезаётганини аниқлаб, ўзаро тушунмовчиликларга барҳам бердик.

Ўйлашимча, ёшларни оилага тарбиялашни мактабдан бошлаш керак экан. Йиғинимизда шунини йўлга қўймоқчимиз. Бунда йигитлар билан имом-хатиблар, нуронийлар суҳбатлашиб, оила ҳақида, унда эркакнинг ўрни ва вазифаси, мажбуриятлари, моддий таъминоти тўғрисида тушунча беради. Қизлар билан ўзим ва хотин-қизлар фаоли, отиноийлар гаплашиб, оилавий муносабатлар ҳақида маълумот берамиз, келинлик вазифаларини тушунтирамиз.

**Гулшод СОБИРОВА,**  
Амударё туманидаги Тош ёп овул фуқаролар йиғини раиси.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва  
оммавий коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан давлат  
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир  
**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**

Ижодий гуруҳ:  
**Санжар ИСМАТОВ,**  
**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,**  
**Рустам ЮСУПОВ**

Дизайнер:  
**Абдулазиз АҲМЕДОВ**

**Mahalla**

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газета

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳ кўчаси, 59-уй.  
Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Обуна бўлими: 71 233-10-92.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.  
**7 840 нускада чоп этилди.**  
Буюртма №: Г-1218  
Газета таҳририят компьютер марказида  
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

